




# XASR



ЎЗБЕКИСТОН  
GAZETA

Газета 2004 йил 1 январдан  
чиқа бошлаган,  
E-mail: axborotXXIasr@yahoo.com  
web sayt: www.21asr.uz

2011 йил 20 октябрь, пайшанба  
42-(414)-сон

TADBIRKORLAR VA ISHBILARMONLAR HARAKATI — O'ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI NASHRI



Фракция «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳасини маъқуллади



2011 йилнинг 9 ойида мамлакатимиздаги энг йирик молия институтларидан бири — «Асака» банкнинг жами активлари ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 34,6 фоизга ўсиб 3296,5 млрд. сўмни ташкил этди



2050 йилга бориб, ер юзи аҳолисининг 14 миллиардга етиши мумкинлиги ҳақидаги хабарлар дунёда озик-овқат маҳсулотларига бўлган талабни, айниқса, озик-овқат хавфсизлиги масаласини ниҳоятда долзарб масалага айлантирди

03 КОНЦЕПЦИЯ

06 ИҚТИСОДИЁТ

07 ХАЛҚАРО ҲАЁТ

## Ишбилармонлик муҳити

ПРЕЗИДЕНТИМИЗНИНГ «КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИКНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ УЧУН ҚУЛАЙ ИШБИЛАРМОНЛИК МУҲИТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШГА ДОИР ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА»ГИ ФАРМОНИ ДАВЛАТ ДАСТУРИ ИЖРОСИНИ ТАЪМИНЛАШ ЖАРАЁНИДА КЎЗГА ТАШЛАНАЁТГАН АЙРИМ КАМЧИЛИКЛАРНИ БАРТАРАФ ЭТИШГА ҲАМ ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

Жамиятда ишбилармонлик муҳитининг шаклланиши мураккаб ва узлуксиз жараён бўлиб, у бир қатор объектив ва субъектив омилларнинг узвий ҳаракати натижаси ҳамдир. Улар қаторига қулай табиий муҳит, ички барқарорлик, қонун, фармон ва қарорлар, молиявий ва иқтисодий шарт-шароитлар, янги техника ва технологиялар, илғор маънавий-маърифий тарғибот ва инсон омили ёки бошқача айтганда, тадбиркор шахс фаолиятини ҳам киритиш мумкин. Ана шу омилларнинг муваққил ва ўзаро боғлиқлигидаги узвий ҳаракати давлат ва нодавлат бошқаруви институтлари ёрдамида юзага келади ҳамда муайян натижани келтириб чиқаради.

Юртбошимиз томонидан 2011 йилнинг 24 августда имзоланган «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш учун қулай ишбилармонлик муҳитини шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармони тадбиркорлик субъектларини мамлакат иқтисодиёти ва ижтимоий ҳаётида тутган етакчи ўрни ва ролини янада мустаҳкамлашга қаратилгани билан ҳам ниҳоятда муҳимдир. Инчунун, фармон «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» Давлат дастурининг ижросини таъминлаш жараёнида кўзга ташланаётган айрим субъектив камчиликларни бартараф этишда ҳам муҳим роль ўйнайди.

Фармонда мустақиллик йилларида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга хизмат қилган ҳуқуқий асослар ҳамда амалга оширилган маъмурий-ташқилий ишлар билан бирга уларнинг ҳаракат механизмида кўзга ташланаётган айрим камчиликларни бартараф этиш йўллари ҳам аниқ кўрсатиб берилган.

2 >>>



## Мукаммал ҳуқуқий асос тараққиёт пойдеворидир

O'ZLiDeP ФРАКЦИЯСИНИНГ 18 ОКТАБРЬ КУНИ БЎЛИБ ЎТГАН ЙИГИЛИШИДА ПРЕЗИДЕНТИМИЗ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ «МАМЛАКАТИМИЗДА ДЕМОКРАТИК ИСЛОХОТЛАРНИ ЯНАДА ЧУҚУРЛАШТИРИШ ВА ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ КОНЦЕПЦИЯСИ» АСОСИДА ТАЙЁРЛАНГАН «ОИЛАВИЙ ТАДБИРКОРЛИК ТЎҒРИСИДА»ГИ ҚОНУН ЛОЙИҲАСИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Фракция аъзоларининг фикрича, ушбу қонундан кўзда тутилган асосий мақсад оилавий тадбиркорликни кичик бизнеснинг муҳим таркибий шакли сифатида ривожлантиришнинг қонунчилик базасини яратибди.

— Қонун лойиҳасида

оилавий корхоналар деб аталадиган ҳўжалик фаолиятининг янги ташқилий ҳуқуқий шаклини жорий этиш, уларнинг иштирокчиларига аниқ таъриф бериш, бизнеснинг янги шаклини рўйхатга олиш ва тугатиш тартиб-қоидалари, оилавий корхонани инфратузилма объектла-

рига улаш ва улардан фойдаланиш механизмлари, бухгалтерия ҳисоби ва солиққа тортиш тартибларини соддалаштириш кўзда тутилмоқда, — деди O'zLiDeP фракцияси аъзоси Соҳибжон Исмоилов.

— Агар кейинги пайтда мамлакатимизда ҳар йили 950 минг атрофида янги

иш ўрни яратилаётгани, шундан қарийб 600 мингга кичик бизнес ҳиссасига тўғри келаётганини инобатга олсак, бунда оилавий тадбиркорликнинг улуши 220 мингдан ошаётганига гувоҳ бўламиз.

3 >>>

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

2011 йил 19 ОКТАБРДА ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ МАЖЛИСИ БЎЛИБ ЎТДИ. МАЖЛИС ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ТОМОНИДАН 2011 йил 21 январда РЕСПУБЛИКА ҲУКУМАТИ МАЖЛИСИДА БЕЛГИЛАБ БЕРИЛГАН 2011 йилда МАМЛАКАТНИ ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНТИРИШ ДАСТУРИНИНГ ЭНГ МУҲИМ УСТУВОР ВАЗИФАЛАРИГА МУВОФИҚ ЖОРИЙ ЙИЛНИНГ 9 ОЙИДА РЕСПУБЛИКАНИ ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНТИРИШ ЯҚУНЛАРИНИ КЎРИБ ЧИКИШГА БАҒИШЛАНДИ

Мажлисда мамлакатни ривожлантиришнинг белгиланган макроиқтисодий кўрсаткичларига эришишни таъминлаш, бозор ислохотларини ва иқтисодиётни эркинлаштиришни янада чуқурлаштириш, таркибий қайта ўзгартиришларни давом эттириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун энг қулай ишбилармонлик муҳити яратиш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирлар натижалари ҳар томонлама кўриб чиқилди ва чуқур таҳлил қилинди.

Қайд қилиндики, жаҳонда ислохотларнинг «ўзбек модели» сифатида кенг эътироф этилган ўз ривожланиш моделини изчил ва аниқ мақсадларга йўналтирилган тарзда амалга ошириш тўғрисида, давом этаётган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг салбий таъсирига қарамай, жаҳондаги унча кўп бўлмаган мамлакатлар қаторида республикамизда макроиқтисодий барқарорлик ва иқтисодий ўсишнинг изчил юқори суръатлари сақланиб қолмоқда. Жорий йилнинг январь-сентябрь ойларида ялпи ички маҳсулотнинг ўсиш суръатлари 8,2 фоизни, саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми ўсиши 7,0 фоизни ва қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари етиштириш ҳажми ўсиши 6,8 фоизни ташкил этди.

2 >>>

## Депутатлик гуруҳини ким уйғотади?

2011 йилнинг ўтган даврида ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ СУРҲОНДАРЁ ВИЛОЯТ КЕНГАШИДАГИ O'ZLiDeP ДЕПУТАТЛИК ГУРУҲИ ТОМОНИДАН ПАРТИЯ ЭЛЕКТОРАТИ ФАОЛИЯТИГА ДОИР АТИГИ БИТТА МАСАЛА МУҲОКАМА ҚИЛИНГАНИ ДЕПУТАТЛАР ФАОЛИЯТИНИ БУГУНГИ КҮН ТАЛАБЛАРИ ДАРАЖАСИДА ҚАЙТА КЎРИБ ЧИКИШНИ ТАҚОЗО ЭТМОҚДА

Кучли фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий демократик давлат барпо этиш йўлидан бораётган мамлакатимизда сиёсий партияларнинг эркин фаолият юритиши, уларнинг электротар манфаатини қатъият билан ҳимоя қилиши ва депутатлик гуруҳларида давлат ҳамда жамоат ташкилотлари раҳбарларининг ҳисоботларини тинглаш, амалдаги қонунлар ижросини қатъий назоратга олиш, ижро ҳўкимияти фаолиятига ҳолисона баҳо бериш учун кенг имкониятлар яратиш берилди.

Айниқса, Президентимиз томонидан ишлаб чиқилган «Мамлакатимизда

демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси» асосида яратиб берилган кенг имкониятлар фуқаролик жамияти институтлари ва уларнинг жамиятни демократлаштиришдаги ўрни ва вақолатларини янада оширди.

Бу эса ўз навбатида O'zLiDeP ва унинг маҳаллий кенгашлардаги депутатлик гуруҳлари зиммасига ҳам алоҳида масъулият юкледи. Бироқ халқ депутатлари Сурхондарё вилоят кенгашидаги депутатлик гуруҳларининг бу борадаги фаолиятини ҳозирча ана шундай талабларга мос, дейиш қийин.

4 >>>

## «Ўзбекнефтгаз» — Халқаро газ уюшмаси аъзоси

«Ўзбекнефтгаз» миллий холдинг компанияси ахборот хизматидан хабар қилинишича, 2011 йилнинг 6 октябрь куни Халқаро газ уюшмаси кенгашининг Дубровник (Хорватия) шаҳрида бўлиб ўтган йиғилишида

«Ўзбекнефтгаз» мазкур уюшма аъзолигига қабул қилинган.

Шу ўринда тақдирот маросимдан сўнг, ХГУга аъзо давлатлар вакиллари томонидан газ қазиб чиқарувчи йирик мамлакатлардан бири сифатида тан олинган Ўзбекистоннинг уюшмага қўшилиши катта воқеа экани таъкидланган.

Маълумотларга кўра, газ қазиб чиқариш саноатини техник ва иқтисодий жиҳатдан ривожлантириш мақсадида 1931 йилда ташкил этилган Халқаро газ уюшмаси айна пайтда 77 та давлатни бирлаштириб турибди. Хорватияда бўлиб ўтган ХГУ кенгашининг навбатдаги йиғилишида эса уюшма таркибига 118 та ҳақиқий ҳамда «муҳбир» аъзо компаниялар борлиги эълон қилинди.

## Ҳавас мақсадга айланди

O'ZLiDeP «АЁЛЛАР ҚАНОТИ»НИНГ «ТАДБИРКОРЛИК ТАМОЙИЛЛАРИ ВА ИШБИЛАРМОНЛИК ИМКОНИЯТЛАРИ» ЛОЙИҲАСИ ДОИРАСИДА БОШЛОВЧИ ТАДБИРКОР ХОТИН-ҚИЗЛАР УЧУН ЎТКАЗИЛАЁТГАН ЎҚУВ-СЕМИНАРЛАРИ ЖОЙЛАРДА РЕАЛ НАТИЖАЛАР БЕРМОҚДА

— Мазкур лойиҳа «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» Давлат дастуридан келиб чиқиб амалга оширилган оммавий тадбирларимиздан бўлиб, унга барча ҳудудлардаги тадбиркор аёллар, шунингдек, хусусий иш юритишга иштиёқманд қизларимизни иложи

борича кўпроқ жалб этиш ҳаракат қилаёмиз, — дейди O'zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси раиси ўринбосари Муҳлиса Акрамова. «Тадбиркорлик тамойиллари ва ишбилармонлик имкониятлари» мавзусида ўтказилаётган ўқув-семинарларимиз бевосита бошловчи тадбиркорларга

ҳар томонлама кўмак беришга қаратилгандир. Жойлардаги партия ташкилотларимиз томонидан ташкил этилаётган тадбирлар яхши самара бериб, кўплаб ёшларимизнинг бизнес оламига кириб келишига йўл очиб бераёпти.

5 >>>

БУГУНГИ СОНДА:

## КАТТА КУЧГА — КАТТА ЭЪТИБОР КЕРАК

Бугун O'zLiDeP Тошкент шаҳар кенгаши пойтахтда истиқомат қилаётган ёшлар билан ишлаш масаласида замонавий ёндашувларни қўллаши, жонли мулоқотларга киришиши, янги авлод вакиллари ўйлантираётган ҳаётини масалаларга ечим топишда ёшлар орасида обрў-эътибори юқори бўлган, интеллектуал салоҳиятга эга, ўз ортидан тенгдошларини эргашира оладиган йигит-қизлардан кўпроқ фойдаланиши лозимга ўхшайди.

04 >>>



Ижтимоий-сиёсий газетаси

2012 йил учун обуна бошланди

Мурожаат учун телефон: (8-371) 215-63-80,  
E-mail: axborotXXIasr@yahoo.com  
web sayt: www.21asr.uz



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ 2011 ЙИЛ 18 ОКТАБРДАН БОШЛАБ ВАЛЮТА ОПЕРАЦИЯЛАРИ БЎЙИЧА БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлар учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:

1 Австралия доллари	▲ 1810,04	1 АҚШ доллари	▲ 1757,83	1 Хитой юани	▼ 275,79	1 Туркия лираси	▲ 959,15	1 Япония иенаси	▼ 227,70
1 Англия фунт стерлинги	▲ 2776,67	1 Миср фунти	▲ 294,54	1 Малайзия ринггити	▲ 563,50	1 Швейцария франки	▲ 1965,59	1 Россия рубли	▲ 56,72
1 Дания кронаси	▲ 326,90	1 Исландия кронаси	▲ 15,27	1 Польша злотийси	▲ 565,93	1 ЕВРО	▲ 2401,98	1 Украина гривнаси	▲ 220,40
1 БАА дирҳами	▲ 478,65	1 Канада доллари	▲ 1740,77	1 СДР	▲ 2769,55	1 Жанубий Корея вон	▲ 15,33		



# КОНЦЕПЦИЯ

«Солиқ маслаҳати тўғрисида»ги қонуннинг бир қатор моддаларига аниқлаштирувчи ўзгаришлар, тўлдиришлар ва тахририй тўзатишлар киритилишини бугунги куннинг ўзи талаб қилмоқда

Оилавий бизнес вакиллари ишлаб чиқарилаётган буюмлар ёки товарларга мустақил равишда нарх белгилаш ҳамда бошқа ҳуқуқлардан фойдаланишга ҳақлиқлар

42 (414)-СОН

2011 йил 20 октябрь,  
пайшанба

e-mail:  
axborotXXlasr@yahoo.com

## Мукаммал ҳуқуқий асос тараққиёт пойдеворидир

Давоми. Бошланиш 1-саҳифада

Озод РАЖАБОВ,  
Қахрамон САЙДАЛИЕВ,  
«XXI ASR»

Шу маънода, «Оилавий тадбиркорлик тўғрисида»ги қонуннинг қабул қилиниши ўрта синф имкониятларини янада кенгайтириш учун мустақам ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилади.

Қизгин баҳс-мунозаралар асосида ўтган йилгида қонун лойиҳаси фракция аъзолари томонидан биринчи ўқишда концептуал жиҳатдан маъқулланган бўлса-да, уни янада такомиллаштириш юзасидан аниқ таклифлар ҳам билдирилди.

Йилгида, шунингдек, Концепцияда белгилаб берилган «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» Давлат дастурида назарда тутилган яна бир муҳим ҳужжат — «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳаси ҳам кўриб чиқилди. О'zLiDeP фракцияси аъзоси Равиль Собиржоновнинг таъкидлашича, ушбу қонунга кейинги 11 йилда 22 та ўзгариш ва қўшимчалар киритилган. Аҳамиятли томони шундаки, бундай ўзгаришлар замирида партияимиз электорати бўлган кичик бизнес субъектлари манфаатини янада самарали ҳимоя қилиш мақсади мужассам. Навбатдаги қўшимчалар ҳам айнан тадбиркорликни рағбатлантириш, уларга кўпроқ эркинлик бериш ҳамда кичик корхоналар ташкил этиш механизминини соддалаштиришга қаратилган.

Депутатларнинг фикрича, лойиҳада хусусий тадбиркорлик субъектлари қаторига оилавий корхоналарнинг ҳам киритилиши назарда тутилмоқда. Бундан ташқари, жорий йилнинг июнь ойидан бошлаб ходимларнинг ўртача сони 50 кишидан 100 кишигача кўпайтирилмайдиган кичик корхоналарнинг фаолият турлари рўйхати тасдиқланиши ҳам қонунда ўз ифодасини топмоқда.

Қонун лойиҳасида тадбиркорлик субъектининг ҳақлиги презумпцияси тўғрисидаги модда киритилганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Унда тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш муносабати билан вужудга келадиган ва қонун ҳужжатлари орқали бартараф этиб бўлмайдиган ҳар қандай қарама-қаршилик ва ноаниқликлар фақат тадбиркор фойдасига талқин этилиши аниқ белгилаб қўйилмоқда.

Шунингдек, тадбиркорликнинг тижорат банклари, лизинг компаниялари томонидан молиялаштирилишини янада рағбатлантириш мақсадида давлат томонидан нафақат тижорат банклари, балки бошқа кредит ташкилотларига ҳам қўлай шароитлар яратиш назарда тутилган. Бундан ташқари, лойиҳага тадбиркорлик фаолияти субъектлари мурожаатини кўриб чиқиш кафолатларига оид янги модда ҳам киритилмоқда-ки, бу норма тадбиркорларнинг давлат органларига ариза, таклиф ва шикоятлар билан мурожаат қилиш ҳуқуқини

янада мустақамлашга хизмат қилади. Натижада мурожаатларни кўриб чиқиш муддатини чўзиш, уларни асосиз рад этиш ҳолатларига кескин барҳам берилади.

О'zLiDePнинг Сайловолди дастурида акс эттирилганидек, тадбиркор фаолиятининг эркинлигини таъминлайдиган ҳуқуқий кафолатлар нафақат қонунчиликда белгилаб қўйилиши, балки амалиётда ҳам қатъий таъминланиши керак. Мукаммал ҳуқуқий асос ҳар қандай фаолият ривожининг мустақам пойдевори эканини инобатга олсак, унинг жойлардаги ижроси, аввало, қонунларнинг қанчалик такомилга етказиб қабул қилинганга боғлиқ эканини ҳис этамиз.

Шу маънода, фракция аъзоси Барно Абдуллаева таъкидлаганидек, мазкур лойиҳани биринчи галда Президентимизнинг «Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони талабларига мослаштириш лозим. Шундагина амалиётда ижро механизмнинг самарали ишлаши таъминланиб, бир-бирига зид бўлган меъёрий нормаларнинг юзага келишига барҳам берилади.

Йилги қатнашчиларининг айтишича, «Солиқ маслаҳати тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳаси ҳам мазмун-моҳияти жиҳатдан юқоридаги ҳужжатлар билан чамбарчас боғлиқдир. Зеро, тадбиркорлик субъектларига солиқ тўловлари хусусида маслаҳат беришда муайян камчиликлар сақланиб қолмоқда. Мазкур қонун қабул қилингандан буён ўтган 5 йил ичида бор-йўғи 27 та солиқ маслаҳати берадиган юридик муассаса ташкил этилган ҳам фикримизга мисол бўлиши мумкин.

— Шунинг учун ҳам «Солиқ маслаҳати тўғрисида»ги қонуннинг бир қатор моддаларига аниқлаштирувчи ўзгаришлар, тўлдиришлар ва тахририй тўзатишлар киритилишини бугунги куннинг ўзи талаб қилмоқда, — деди О'zLiDeP фракцияси аъзоси Қобилжон Тошматов.

— Жумладан, ушбу ўзгариш ва қўшимчалар асосида қонуннинг тегишли моддаларида солиқ маслаҳати фаолиятига янада аниқроқ тушунчалар берилиб, солиқ солиш объектлари ҳисобини юритиш, солиқ ҳисоботи ни тузиш ва тақдим этиш, бундан ташқари, солиқ маслаҳати бўйича хизмат кўрсатиш тўғрисида шартномаларни тузиш тартиби ва шартларини назарда тутувчи янги моддалар киритилмоқда.

Лойиҳада солиқ маслаҳатчилари ташкилоти ҳуқуқларини кенгайтириш, хусусан, солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатлари билан тартибга солинадиган муносабатлар иштирокчиларининг давлат солиқ хизмати органларидаги низосини судгача ҳал қилиш тартиби белгилаб, судда ваколатли вакил сифатида қатнашиш ҳуқуқини бериш таклиф этилмоқда. Шунингдек,

қонун солиқ маслаҳатчилари ташкилоти фаолиятини тартибга солиш мақсадида улар фаолияти юзасидан доимий мониторинг юритиш ҳамда солиқ маслаҳатчилари иштирокини таъминлаш каби нормалар билан тўлдирилмоқда.

Ҳақиқатан ҳам, тадбиркорлик ташаббуси бозор иқтисодиёти шароитида бош омил ҳисобланади. Тадбиркор эркинлиги, ҳўжалик юритувчи субъектлар фаолиятига аралашмаслик эса мамлакат иқтисодий ривожининг таянчидир. Муҳокама қилинган қонун лойиҳаларидан кўзда тутилган бош мақсад ҳам мазкур жараённинг ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштириш орқали партия электорати манфаатини самарали ҳимоялашдир.

Йилги қонунда кун тартибдаги масалалар юзасидан О'zLiDeP фракциясининг тегишли қарори қабул қилинди.



Фракция аъзолари таъкидлаганидек, мазкур лойиҳа биринчи галда Президентимизнинг «Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони талабларига мослаштирилиши лозим. Шундагина амалиётда ижро механизмнинг самарали ишлаши таъминланиб, бир-бирига зид бўлган меъёрий нормаларнинг юзага келишига барҳам берилади.

**Собир ЖАББОРОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, Саноат, қурилиш ва савдо масалалари қўмитаси раиси:**

— Маълумки, мустақиллик йилларида хусусий мулкни ҳимоя қилишга қаратилган давлат сиёсати даражасидаги эътибор тўғрисида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик иқтисодиётимизнинг муҳим бўлиниши айланди. Айниқса, ички бозорни рақобатбардош ва сифатли маҳсулотлар билан тўлдириш, аҳолини, авваломбор, ёшларни иш билан таъминлашда соҳанинг аҳамияти бекиёс эканини бугунги ривожланиш истиқболлари ҳам қўрсатиб турибди. Бундай натижага биринчи галда соҳа фаолиятини тартибга солувчи қонунчилик асосларининг яратилгани сабаб бўлди, албатта. Хусусий мулкнинг дахлсизлиги ва давлат ҳимоясида экани Конституциямиз ва бошқа қонун ҳужжатлари орқали мустақамлаб қўйилиши эса ўрта синф вакиллари фаолиятининг кенгайтиришга хизмат қилмоқда.

Давлатимиз раҳбари Концепцияси талаблари асосида ишлаб чиқилган янги — «Оилавий тадбиркорлик тўғрисида»ги қонун лойиҳасининг асосий мақсади ҳам иқтисодиётнинг турли йўналишларида оилавий бизнесни ривожлантириш орқали аҳолини фойдали меҳнатга жалб қилиш имкониятларини кенгайтиришга қаратилган.

Оилавий тадбиркорлик бу эр-хотиннинг биргаликдаги мулк бўлган ва оила аъзоларининг шахсий меҳнати асосланган жисмоний шахсларнинг биргаликдаги фаолияти натижасидир. Бироқ бугунги талаблар, айни пайтда оилавий тадбиркорликнинг ҳуқуқий шаклини ўзгаришиб, уни оилавий корхона, яъни юридик шахс мақомига келтириш заруратини ҳам келтириб чиқармоқда. Шу боисдан лойиҳада оилавий корхона фақат юридик шахслар томонидан ташкил этилиши белгилаб қўйилмоқда. Ана шу хусусиятларга кўра, бундай корхоналар кичик тадбиркорлик субъектлари қаторига киритилмоқда. Бу эса қонунчиликка мувофиқ уларга ҳам кичик корхона ва микрофирмалар учун яратиб берилган имтиёزلардан фойдаланиш ҳуқуқини беради.

**Султонбой ЖўРАЕВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси аъзоси:**

— Оилавий тадбиркорлик соҳасидаги муносабатларни тартибга солишга қаратилган мазкур лойиҳада қонуннинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, фаолият тури, иштирокчилари сони, солиқ ҳамда бошқа мажбурий тўловларни амалга ошириш тартиблари ҳам ўз аксини топган. Қонун лойиҳасига асосан оилавий корхона, оила аъзолари томонидан шахсий меҳнат иштироки мажбурияти ҳамда тадбиркорлик муомаласига жалб этилган умумий мол-мулк ёки мулкнинг улуш рўйхати кўрсатилган ҳолда тузиладиган таъсис

шартномаси асосида ташкил этилиши белгиланмоқда. Бунда иштирокчилар хоҳишига кўра, таъсис шартномасида оилавий корхона фойдасини тақсимлаш шартлари ҳам белгилаши мумкин. Ҳўжатда оилавий корхонани ташкил этиш учун бизнес субъекти иштирокчилари қонуннинг низом жамғармасини мустақил белгилашлари, лекин бу микдор энг кам иш ҳақининг ўн бараваридан кам бўлмаслиги назарда тутилмоқда. Бу тартиб қонуннинг бозор иқтисодиёти шароитида барқарор ишлаб кетиши ва рақобат муҳитига бардош бера олишига ҳам ёрдам беради.

**Назарали НОРБОВЕВ, Давлат солиқ қўмитаси бошқармаси бошлиғи:**

— Қонун лойиҳасида оилавий корхонанинг солиқ ва бошқа тўловларни амалга ошириш тартиблари ҳам аниқ белгилаб қўйилмоқда. Унга кўра, оилавий корхона қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ягона солиқ тўловчиси ҳисобланади. Эътиборли томони шундаки, лойиҳада бадий хўнарамдчилик ва амалий санъат буюмлари ишлаб чиқарувчи оилавий корхоналарнинг ягона солиқ тўловчидан озод қилиниши кўзда тутилган. Шу билан бирга оилавий корхонанинг фойдаси солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар тўларидан сўнг унинг иштирокчилари тасарруфига ўтади ва солиққа тортилмайди. Бу уста ва хўнарамдларнинг янада эркин фаолият юртишларига кенг имконият яратади.

**Ботир АЛИМУҲАМЕДОВ, Меҳнат ва аҳоли ижтимоий муҳофаза қилиш вазирининг биринчи ўринбосари:**

— Мазкур қонун лойиҳаси аҳоли бандлигини таъминлаш ва ижтимоий муҳофаза қилиш имкониятини янада кенгайтиришга қаратилганини ҳам таъкидлаш лозим. Чунки лойиҳага асосан оилавий корхона камида икки кишининг иштирокида тузилиши, фаолият тури бўйича кичик корхона ва микрофирмалар учун татбиқ этиладиган қондаларга мос келиши назарда тутилмоқда. Албатта, оилавий корхона фаолияти

иштирокчиларнинг шахсий меҳнати асосланади. Шунингдек, корхонада ёлланган ишчилар меҳнатидан ҳам фойдаланиш мумкин. Бунда ёлланган ишчиларнинг меҳнат ҳиссаси микдори, иш вақти ҳамда дам олиш вақти оилавий корхона бошлиғи томонидан белгиланади ва меҳнат шартномаси билан мустақамланади. Лойиҳада оилавий корхона ўз иштирокчилари ва ёлланган ишчиларига иш ҳақи, мукофот ва компенсациялар тўлашининг шакллари, тизими ҳамда микдорини қонунчилик ҳужжатлари асосида мустақил белгилаш ҳам кўзда тутилган. Бир сўз билан айтганда, ана шундай меъёrlарнинг лойиҳада акс эттирилиши аҳолининг ижтимоий ҳимоясини таъминлашга хизмат қилади.

**Азизжон РАҲМАТОВ, Иқтисодиёт вазирлиги бош бошқармаси бўлим бошлиғи:**

— Янги қонун лойиҳасига асосан, бу турдаги бизнес субъектини рўйхатдан ўтказувчи орган «уни ташкил этиш мақсада мувофиқ эмас» деган важлар билан рад этишга ёки қонун ҳужжатларида назарда тутилмаган қўшимча талабларни белгилашга ҳақли эмас. Шу ўринда оилавий тадбиркорлик субъектлари бир қатор ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлишлари ҳам қонун билан мустақамлаб қўйилаётганини таъкидлаш жоиз. Хусусан, лойиҳага кўра, улар ижтимоий сугурта қилиниши ҳамда иш даври қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда меҳнат стажига қўйилиши, амалга оширилаётган фаолият турига мувофиқ бўлган буюмлар ёки товарларни ишлаб чиқиш, шунингдек, уларни мустақил равишда ёки қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда сотиш, амалга оширилаётган фаолиятдан олинган даромадни барча солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар тўлангандан кейин тасарруф этиш ваколатига эга бўлиши қатъий белгилаб қўйилмоқда. Айни пайтда оилавий бизнес вакиллари ишлаб чиқарилаётган буюмлар ёки товарларга мустақил равишда нарх белгилаш ҳамда бошқа ҳуқуқлардан фойдаланишга ҳақлиқлар.

Бир сўз билан айтганда, янги қонун лойиҳасининг қабул қилиниши кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг янги шакли сифатида оилавий тадбиркорликнинг янада ривожланиши ҳамда унинг мамлакатимиз иқтисодиётидаги улушини кенгайтиришга хизмат қилади. Айни пайтда парламент куйи палатасида қизгин муҳокама қилинаётган қонун лойиҳасининг биринчи ўқишдаги муҳокамалари ушбу ҳўжатнинг камчиликлардан ҳоли эмаслигини кўрсатиб қўйди. Хусусан, ундаги оилавий корхона фаолиятини юритишда оила аъзоларининг мажбурий иштироки масаласини қайта кўриб чиқиш, шунингдек, лойиҳага корхона асосини ташкил этган эр ва хотин ўртасидаги мулкнинг низоларни ҳал этиш борасидаги бандларни акс эттириш мақсада мувофиққа ўхшайди. Бу эса ушбу муҳим ҳўжатни тайёрлаш босқичида янада такомиллаштирилиши лозимлигини англатади.

# МУНОСАБАТ

web sayti: www.21asr.uz

## Катта кучга — катта эътибор керак

Жамиятимизда изчил янгиланиш ва туб ислохотлар кечаётган айна пайтда ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг замонавий касб-хунар эгаллашлари ва мустакил ҳаёт оstonасига эркин фикрлай оладиган баркамол авлод вакиллари сифатида қадам қўйишлари учун барча имкониятлар яратиб берилмоқда. O'zLiDeP ҳам ана шу жараёнда фаол иштирок этиш учун партия аъзолари, депутатлар ва электорат вакиллари эътиборини ёшларнинг кучгайратини Ватан тараққиёти ва халқ фаровонлигига йўналтириш борасида изчил ишлар олиб бормоқда

Шухрат РАХИМОВ,  
«XXI ASR»

Маълумки, Президентимиз томонидан ишлаб чиқилган «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси»да илгари сурилган гоё ва ташаббуслар O'zLiDeP, қолаверса, унинг «Ёшлар қаноти» зиммасига ҳам масъулиятли вазифалар юклатди.

Ўтаётган ҳафтада партиянинг Тошкент шаҳар кенгаши томонидан «Ёшлик» талабалар шаҳарчасида ўтказилган «Концепцияда илгари сурилган устувор вазифаларни амалга оширишда O'zLiDeP «Ёшлар қаноти»нинг вазифалари» мавзусидаги давра сўҳбатиде ҳам мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида туб бурилиш ясаган мазкур дастуриламал ҳужжатда белгилаб берилган вазифалар жамиятимиз тараққиётидаги муҳим воқеага айлангани алоҳида таъкидланди.

Истиқлол йилларида ёшлар масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилди, — деди тадбирда «Ёшлар қаноти» фаоли, Ўзбекистон Миллий университети магистранти С.Бердиев. — Зеро, келажакимиз кўп жиҳатдан уларда кучли фуқаролик позициясининг шаклланишига боғлиқдир. Бунинг учун барча шарт-шароитлар яратиб берилмоқда. Айниқса, йигит-қизларимизда ишбилармонлик кўникмаларини шакллантириш, уларни хусусий тадбиркорликка кенг жалб этиш нафақат иқтисодий, балки ижтимоий-сиёсий тараққиётимизни таъминлашга ҳам хизмат қилади, албатта. Бу эса биз, ёшларнинг давлат ва жамият олдидаги масъулиятимизни янада оширади.

Тадбирда «Ёшлар қаноти»нинг партия дастурий гоёлари асосида олиб бораётган ишлари ҳам муносабат билдирилди. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Таълим муассасаларининг битирувчиларини тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармони ҳамда «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» Давлат дастури ижросини таъминлаш, ёшларни кичик бизнесга янада кенгрок



Аммо бугун O'zLiDeP Тошкент шаҳар кенгаши пойтахтда истикомат қилаётган ёшлар билан ишлаш масаласида замонавий ёндашувларни қўллаш, жонли мулоқотларга киришиши, янги авлод вакиллари йўлантираётган ҳаётини масалаларга ечим топишда ёшлар орасида обрў-эътибори юқори бўлган, интеллектуал салоҳиятга эга, ўз ортидан тенгдошларини эргаштира оладиган йигит-қизлардан кўпроқ фойдаланиши лозимга ўхшайди.

жалб этиш, уларда ишбилармонлик кўникмаларини шакллантириш мақсадида олий ўқув юрталари ва касб-хунар коллежлари битирувчилари учун ташкил этилган «Диплом билан — бизнесга», «Ишбилармон ўқувчи» сингари йирик лойиҳаларнинг натижалари атрофлича муҳокама қилинди.

— Замонавий фикрлайдиган, жамиятда ўзига муносиб ўрин эгаллай оладиган ёшларни тарбиялаш, уларда тадбиркорлик маданиятини шакллантириш устувор вазифаларимиздан, — деди O'zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитасининг Ёшлар билан ишлаш бўлими мудир Б.Очилов. — Зеро, ёшлар салоҳиятини ошириш — келажакка сармоя киритиш демакдир. Юртбошимиз Концепциясида белгилаб берилган вазифалар эса бу борадаги фаолиятимизни янада такомиллаштириш тақозо этмоқда.

— Аммо ана шундай масъулиятли дамда айрим тенгдошларимизга ташаббускорлик, ғайрат ва шижоат этишмаётганидан ҳам кўз юммаслик керак, — деди ёш тадбиркор Б.Азимов. — Уларда интилиш, мақсад бўлмас экан, келажакларини аниқ тасаввур этишлари қийин бўлади. Арзимас муаммолар туфайли ўз мақсадини ўзгартириб, бошқа соҳа ва хунар танлашга уринаётган тенгдошларимизни кўриб шунга амин бўлдим.

Ҳа, чиндан ҳам бугун ташаббускор, қатъиятли, шу Ватан, шу юрт меники, дея яратиб берилмаётган шароитлардан унумли фойдаланаётган, ўз мақсади йўлида тиним билмай изланаётган, янгилликка ўч йигит-қизларимиз орасида касб танлашда, ўз бизнесини йўлга қўйишда иккиланаётган ёшлар ҳам бор. Айна ана шундай вазиятда мутасадди ташкилотлар қатори сиёсий партияларнинг ёшлар билан ишловчи бўлимлари янги авлод вакилларига тўғри йўл кўрсатишда алоҳида фаоллик кўрсатишлари лозимлигини тадбирда билдирилган фикр-му-

лоҳазалардан ҳам сезиш мумкин эди.

Хўш, мамлакатдаги энг етакчи сиёсий куч сифатида бугунги фаолиятимиз ёшларнинг ана шундай замонавий талабларига қай даражада мос келаяпти?

Шу ўринда пойтахтда O'zLiDeP Тошкент шаҳар кенгаши сафидаги 25417 нафар партия аъзосининг 50 фоиздан ортигини 18-34 ёшдаги йигит-қизлар ташкил этаётганини таъкидлаш жоиз. Пойтахтдаги 938 та бошланғич ташкилотнинг 177 тасини эса 30 ёшгача бўлган партия фаоллари бошқармоқдалар.

Ана шундай партия фаоллари томонидан турли мавзуларда тадбирлар, учрашув ва мулоқотлар ташкил этиб, ёшларни партиянинг гоё ва мақсадлари билан таништиряпмиз.

Қатор лойиҳалар орқали уларда тадбиркорлик кўникмаси шакллантирилмоқда. Шунга яраша муайян натижаларга ҳам эришяпмиз, албатта. Аммо бугун O'zLiDeP Тошкент шаҳар кенгаши пойтахтда истикомат қилаётган ёшлар билан ишлаш масаласида замонавий ёндашувлари

қўллаш, жонли мулоқотларга киришиши, янги авлод вакиллари йўлантираётган ҳаётини масалаларга ечим топишда ёшлар орасида обрў-эътибори юқори бўлган, интеллектуал салоҳиятга эга, ўз ортидан тенгдошларини эргаштира оладиган йигит-қизлардан кўпроқ фойдаланиши лозимга ўхшайди. Зеро, шиддаткор давр, юксак технологиялар асосида шаклланаётган муҳит узундан-узун маърузалар билангина ёшлар эътиборини қозониб бўлмаслигини кўрсатиб қўймоқда. Айниқса, бу жараённинг пойтахтда нисбатан тез ривожланаётгани партия фаолларини жиддийроқ хулоса чиқаришга ундаши лозим. Бу борада ёшлар билан ҳамкорлик масаласида бир-биридан қизиқарли лойиҳаларга қўл ураётган ташкилотлар тажрибасидан, уларнинг замонавий иш услубларидан фойдалансақ, мақсадга мувофиқ бўларди.

40 минг нафардан зиёд талаба ва ёшлар истикомат қилаётган талабалар шаҳарчасидаги тадбирдан кейин ана

шундай фикрлар ҳаёлимиздан ўтди.

Шунингдек, маълумотларда 2011 йилнинг ўтган даврида «Ёшлар қаноти»нинг «Ёшлик» талабалар шаҳарчаси бўлими томонидан 29 та тадбир ўтказилгани қайд этилмоқда. Лекин уларнинг аксарияти оддий мажлисларга айланаётганлиги, ёшларнинг қизиқиши ва интилишлари, бугунги кун ва эртанги режалари ҳақида бирор марта ҳам сўровлар ўтказилмагани жойлардаги кўйи бугунлар фаолиятини янги авлод вакиллари ортидан талаб ва истакларини инобатга олган ҳолда қайта кўриб чиқиш лозимлигини кўрсатмоқда. Тўғри, пойтахт туманларидаги Миробод, Мирзо Улуғбек, Ҳамза ва Чилонзор туман кенгашлари томонидан бу борада изчил ва реал натижаларга қаратилган тадбирлар олиб борилаётган. Аммо афсуски, Юнусобод ва Яққасарой сингари йирик туман кенгашлари фаолиятини таҳлилчилар қониқарсиз, деб баҳоламоқдалар. Уларда «Ёшлар қаноти»нинг асосий лойиҳалари бўлмиш «Диплом билан — бизнесга» ўқув-семинари ҳамда «Ишбилармон ўқувчи» стипендияси учун кўрик-танловларини ташкил этишда сулҳликка йўл қўйилгани эътибор қаратилаётгани ҳам беҳиз эмас.

Зеро, ёшлар келажакимиз эгаларидир. Бундай катта кучга эса шубҳасиз катта эътибор ҳам керак.

## Депутатлик гуруҳини ким уйғотади?

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада

Фарҳод ТОШБОЕВ

Кези келганда, O'zLiDeP вилоят кенгаши ўз сафига 21 мингдан ортиқ аъзони бирлаштирганини, партиянинг халқ депутатлари вилоят кенгашида 18, Термиз шаҳар кенгашида 9, туман кенгашларида эса 111 нафар депутати борлигини таъкидлаш лозим. Йилнинг ўтган даврида депутатлик гуруҳлари томонидан Сурхондарё вилоят синов ва сертификатлаштириш маркази давлат корхонаси раҳбари З.Нортожиевнинг кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари махсулотларига сертификатлар бериш аҳволи хусусидаги ҳисоботи тингланди, холос.

— Ҳақиқатан ҳам, жойлардаги депутатлик гуруҳларимиз фаолияти бугунги кун талабига жавоб бермайди, — дейди O'zLiDeP вилоят кенгаши раисининг биринчи ўринбосари Абдулҳаким Турдиев. — Жорий йил режасига кўра, электротариф манфаатини ифода қилаётган, халқимиз фаровонлигини таъминлашга хизмат қилаётган бир қатор масалаларни эшитиб, энг долзарбларини халқ депутатлари маҳаллий кенгаш сессияларига киритишни мўлжаллагандик. Жумладан, вилоятда оилавий бизнесни ривожлантириш дастурини ишлаб чиқиб, халқ депутатлари вилоят кенгаши сессияси муҳокамасига киритиш ҳам режалаштирилган. Айни пайтда бу дастур вилоят депутатлик гуруҳи томонидан маъқулланган, халқ депутатлари вилоят кенгаши доимий комиссиясида кўриб чиқилмоқда. Гуруҳларимиз шу йил вилоят иқтисодий, меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош қармалари сингари бир қатор ташкилотлар ҳисобини эшитиш, «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги қонун ижросида Шеробод ва Ангор туманларида бажарилиши билан боғлиқ масалаларни ҳам муҳокама этишни режалаштирилган. Лекин бу тадбирларнинг белгиланган муддатларда бажарилаётгани масъулиятсизликдан бошқа нарса эмас. Партия вилоят кенгашидан

олинган маълумотларга кўра, Термиз шаҳар ва туман кенгашларидаги O'zLiDeP депутатлик гуруҳлари томонидан ҳам биронта масала муҳокама қилинмаган.

— Халқ депутатлари Термиз шаҳар кенгашига O'zLiDePдан 9 нафар депутат сайланган, — дейди Термиз шаҳар кенгаши депутати Г.Амирова. — Ҳақиқатан ҳам, 2011 йилнинг ўтган даврида депутатлик гуруҳимиз томонидан вилоятдаги бирон-бир ташкилот ёки идораларнинг ҳисоботлари тингланмади. Бунга депутатларимизнинг бугунги талаб ва масъулиятдан тегишли хулоса чиқармаганлиги, ташаббус этишмаётгани, кўпчилик депутатларнинг эса депутатлик мақомини фақат имтиёз, деб қабул қилаётганлиги сабаб бўлмоқда. Шунинг учун ҳам сессияларда халқ депутатлари Термиз шаҳар кенгаши томонидан муҳокамага қўйилган масалаларни тасдиқлаб бериш билан чекланиб қоляпмиз.

Хуллас, мамлакатимизда демократик ислохотларнинг янги босқичи бошланган, Юртбошимиз Концепцияси талаблари асосида Конституцияимизнинг айрим моддаларига ўзгартишлар киритилиб, парламент ва сиёсий партияларга улкан имкониятлар яратиб берилган бир пайтда сурхондарёлик депутатларнинг нафақат партия ишига, балки вилоятнинг иқтисодий-ижтимоий ривожланишига нисбатан ҳам бефарқликларини ҳеч қандай баҳоналар билан оқлаб бўлмайди. Шундай экан, халқ депутатлари Сурхондарё вилоят кенгашидаги O'zLiDeP депутатлик гуруҳлари ҳам бу борада ўз фаолиятини бугунги кун талаблари асосида қайта кўриб чиқиши лозим. Чунки қатор вилоятларимиздаги депутатларимиз Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияимиз аъзолари билан ҳамкорликда ўз вилоятларининг ижтимоий-иқтисодий ҳаётига доир долзарб масалаларни муҳокама қилишни изчил йўлга қўйди. Ҳудудий дастурлар, қонунлар ижросига эса алоҳида эътибор қаратилаётган. Энг муҳими эса бундай тадбирлар ижроия ҳокимияти билан маҳаллий кенгашлардаги депутатлар масъулиятини оширишга ҳам хизмат қилмоқда.

21 октябрь — ўзбек тилига давлат тили мақоми берилган кун

## Тил ўзбек давлатчилиги рамзидир

Маълумотларга қараганда, жаҳонда 5000 га яқин тил ва лажжалар бўлса-да, уларнинг атиги 100 тасига давлат тили мақоми берилган, холос.

Ўзбек тили ҳам давлат тили бўлиш нуфузи насиб этган мумтоз тиллардан.

— Ўзбек тили тарихда ҳам сиёсий бошқарув тили вазифасини ўтаган, — дейди тарих фанлари доктори, профессор Шодмон Воҳидов. — Жумладан, Темурийлар салтанатида ҳам туркий тил давлатлараро муносабатларнинг асосини ташкил этган. Буюк мутафаккир Алишер Навоийнинг «Муҳокама ул-луғатайн» асарига эса ўзбек ва форс тиллари қиёсланиб, ўзбек тилининг нисбатан серкирра ва бой экани, бошқарув тили бўлиш учун барча етарли имконият ва тарихий заминга эгаллиги илмий жиҳатдан асослаб берилган.

Бундан 22 йил аввал ўзбек тилига давлат тили мақоми берилиши бир орзу эди, холос. Зеро, собиқ иттифоқ даврида тилимизнинг мавқеини оширишга бўлган ҳар қандай уришиш миллатчилик сифатида баҳоланар эди.

Абдулла Қодирий таъбири билан айтганда, «ўтмишнинг қора кунлари», шукри, энди ортда қолди. Юртбошимиз ташаббуси билан 1989 йилнинг 21 октябрида «Давлат тили ҳақида»ги қонун қабул қилинган, Бош қонунимизда давлат тили ўзбек тили экани мустаҳкамлаб қўйилди.

— Ушбу қонун она тилимиз мавқеини тиклаш учун кенг имкониятлар яратди, — дейди адабиётшунос олима, профессор Суйима Фаниева. — Тилимизда халқимизнинг миллий гурури ва ифтихорини мустаҳкамлайдиган атама ва тушунчалар тизимини шакллантириди. Президентимиз ташаббуси билан Олий Мажлисда Норматив-ҳуқуқий атамалар комиссиясининг тузилиши эса қабул қилинаётган қонунлар тилининг давр талабларига жавоб беришини таъминлайди. Истиқлол йилларида, шунингдек, ўзбек тилининг кўп жиддли изоҳли ва этимологик луғатлари яратилди. Ўзбекистон миллий энциклопедияси нашр этилди. Булар тилимизнинг янада оммалашшини таъминлашга хизмат қилмоқда. Лекин, шунга қарамай, ҳар доим ҳам «Давлат тили ҳақида»ги қонун талабларига тўла риоя қилинаётгани, дейиш қийин. Хусусан, мазкур мукамил қонун талабларини бажаришда камчиликлар ҳам йўқ эмас. Масалан, рекламага оид турли босма ва аудио-видео материалларнинг кўпчилиги ҳамон рус тилида бўлиб, мазкур қонунга мувофиқ уларни ўзбек тилига таржима қилиш кераклиги айрим юртдошларимизни қизиқтирмаётган кўринади, негадир.

Таъкидлаш жоизки, мамлакатимиздаги аънаналар ҳамда миллий қонунчилик минтақа, ҳатто бутун дунёда энг толерант ва демократик моҳиятга эга бўлиб, бизда яшовчи барча миллатларнинг эътиёжларини тўла инобатга олади. Масалан, «Давлат тили ҳақида»ги қонунга кўра, мамлакатимизда бошқа миллат вакиллари ўз она тилларида таълим олиш ҳуқуқи кафолатланган.

Шу ўринда, XXI асрга келиб жаҳонда 2000 га яқин тил ва лажжалар йўқолиб кетиш даражасига бориб қолганини таъкидлаш жоиз. Бу эса айнан тил эгаларининг локалдиғи ва эътиборсизлиги, тилга нисбатан миллий гурурининг йўқолиб кетаётгани билан боғлиқдир. Минг шукрики, истиқлол туфайли ўзбек тилининг мавқеи қундан-қунга мустаҳкамланиб бормоқда.



**ЖИЗЗАХ.** O'zLiDeP вилоят кенгаши ташаббуси билан Бахмал туман кишлоқ ҳўжалиги коллежиде кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик мавзусида давра сўҳбати ўтказилди. Тадбирда Ўзбекистон Республикасининг Президентининг «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш учун қулай ишбилармонлик муҳитини шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармонининг мазмун-моҳияти иштирокчиларга батафсил тушунтирилди.

Шунингдек, электротариф фаоллигини ошириш ва уларнинг сиёсий ишбилармонлик юксалтириш юзасидан ўзаро фикр-мулоҳазалар билдирилган тадбирда мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш борасидаги ислохотлар мазмун-моҳиятига оид маърузалар ҳам тингланди.

**САМАРКАНД.** Саттепо маиший хизмат кўрсатиш ва туризм коллежиде "18 октябрь — Самарқанд кунига бағишлаб учрашув ўтказилди. O'zLiDeP вилоят кенгаши томонидан ташкил этилган мазкур тадбирда юртимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар, хусусан, Самарқанд шаҳрида олиб борилаётган улкан бунёдкорлик ишлари ҳақида сўз юритилди. Анжуманда шаҳарнинг кўп минг йиллик тарихи, осори-атикаларини ўрганиш борасида олиб борилаётган ишлар, уларни асраб-авайлаш, ёшлар қалбига қадимий шаҳарга бўлган муҳаббатни янада ошириш лозимлиги хусусида фикр-мулоҳазалар ҳам билдирилди. Тадбир сўнггида иштирокчилар Самарқанд шаҳрининг диққатга сазовор жойларини зиёрат қилиб, буюк аجدдошларимизнинг бой маънавий меросига, тарихига оид билимларини янада бойитдилар.

# ЖАРАЁН

web sayt: www.21asr.uz

## Хавас мақсадга айланди

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада

Наргиза КАХҲОРОВА,  
«XXI ASR»

Ушбу вазибалар O'zLiDeP дастурий ғояларининг асосий йўналишларидан бири бўлиб, бу борада янада кенг қўламли ишларни амалга оширишни режалаштирганмиз ва улар босқичма-босқич рўйишга чиқарилаётди. Бу муҳим ишга энг фаол аъзоларимиз бўлган йирик тadbиркор аёлларни жалб этаётганимиз ҳам ўзига хос натижа беради, деган умиддаман.

Ҳақиқатан ҳам, юқорида таъкидланган тadbир беиз қолаётгани йўқ. Куйидаги лавҳамиз қаҳрамони ҳаёти ҳам бунга яққол мисол бўла олади. Калаванинг ҳар бир нақшада турфача жилланиши сирдарёлик Махфуза Музаффаровани болалигидан ўзига ром этиб келарди. Тўқилган либослар оламнинг сеҳрли оҳанга босига ошуфта эди у. Миллий ва замонавий бичимдаги кийимларни тўқувчилик билан уйғунлаштириш ҳақида ўйларди доим. Унинг «Аёллар қаноти»нинг вилоят бўлимига келиши, партияга аъзо бўлишига ҳам келажакда ўзи яратган кийимларни



одамлар эғнида кўриш, хусусий бизнесини йўлга қўйиш орзуси сабаб бўлди.

«Аёллар қаноти»нинг «Тadbиркорлик тамойиллари ва ишбилармонлик имкониятлари» лойиҳаси доирасида бошловчи тadbиркор хотин-қизлар учун ўтказган ўқув-семинарларда қатнашган, Махфузадаги ҳавас қатий мақсадга айланди. Мазкур тadbирга жалб этилган мутахассислар кўмағида тўқув марказини очиб бўйича лойиҳа тайёрлади. Чинакам хоҳиш ва ёшлик шижоати билан ишлаб чиқилган бизнес-режа дастлаб вилоят, кейин республика босқичида муносиб баҳоланди. Натижада «Қишлоққурилишбанк» Янгиер шаҳар бўлими бу лойиҳага 5 млн. сўм миқдорда имтиёзли кредит ажратди.

Ушбу сармоя эвазига тўқув ва тикув дастгоҳларига эга бўлган моҳир чебар яқинда ўзининг дастлабки кўрғазмасини ўтказди. Қисқа фурсатда ўз фаолиятини йўлга қўйиб улгурган тadbиркор томонидан тақдим этилган бежирим либослар эса кўпчиликка манзур бўлди.

Тўқувчи қизнинг орзулари ушалиши туфайли унинг онаси ва ораси ҳам ишли бўлди. Оилавий бюджетга эса даромад қўшилди.

— Тadbиркор сифатида иш бошлаш учун ҳам маънавий, ҳам моддий кўмак олдим, — дейди Янгиер қурилиш-коммунал хўжалиги касбхўнара коллежи 3-босқич талабаси Махфуза Музаффарова. — Менга бу борада яқиндан ёрдам берган «Аёллар қаноти» фаолларига миннатдор-

лик билдираман. «Тadbиркорлик тамойиллари ва ишбилармонлик имкониятлари» лойиҳаси анчадан бундан ўйлаб юрган ғояларини амалга ошириш имконини берди.

— Вилоятимизда Махфузага ўхшаб орзу-ҳавас йўлида қатъият кўрсатаётган хотин-қизлар йил сайин кўпаймоқда, — дейди O'zLiDeP Сирдарё вилоят кенгаши «Аёллар қаноти» бўлими раҳбари Санобар Қайумова. — Муҳими, уларни қўллаб-қувватлаш орқали янги иш ўринлари яратилаёпти. Айни кунда сафимиздаги опа-сингилларимизнинг 250 нафари тadbиркорлик билан шуғулланади. Уларнинг сай-ҳаракати билан яратилган янги иш ўринлари 386 тага етди.

O'zLiDeP «Аёллар қаноти»нинг бундай тadbирлари мамлакатимизда хотин-қизларни кичик бизнес ва хусусий тadbиркорлик фаолиятини йўналтириш баробарида аёлларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини оширишга ҳам хизмат қилмоқда. Оқимизда олиб борилаётган изчил ислохотлар эса уларнинг истиқболли режаларини амалга оширишга мустақкам замин яратаётди.

Фермерлик ҳаракати қишлоқда ҳал қилувчи куч

## Интилганга толе ёр

ҒАЛВИР СУВДАН КЎТАРИЛАДИГАН ПАЙТГА КЕЛИБ, ЙИЛ БЎЙИ ҚИЛИНГАН ФИДОКОРОНА МЕХНАТ ЭВАЗИГА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИНГ БАРЧА СОҲАЛАРИДА САЛМОҚЛИ НАТИЖАЛАРГА ЭРИШИЛГАНИ АЛОҲИДА ЭЪТИРОФ ЭТИЛМОҚДА. БУНДА, ШУБҲАСИЗ, ФЕРМЕРЛИК ҲАРАКАТИ АСОСИЙ ЎРИННИ ЭГАЛЛАМОҚДА

сув билан таъминлашни мақсад қилган эдим. Фермерларга яратилган имкониятлар туфайли 70 млн. сўм маблағ сарфлаб, 120 метр чуқурликда кудук қазиб, тоза ичимли сув чиқардик. Энди уни қишлоқ аҳолиси хонадонига қувур орқали етказишни режалаштирмоқдамиз. Интилганга толе ёр деганларидек, вилоят ҳокимлиги ёрдами билан ниятимиз амалга ошиш, жами 400 млн. сўмлик 3,5 километр масофада жойлашган 4 та қишлоқ фуқаролар йиғини — Оғар, Чандир, Қулончи ва Қароли қишлоқларида истиқомат қилувчи аҳолини тоза ичимли сув билан таъминлаш ишлари бошлаб юборилди. Мазкур хайрли ишни мутасадди ташкилотлар ўз зиммаларига олдилар.

Айни пайтда қазилган сувларидан фойдаланиш талаб этилади.

Фермерликнинг яна бир қондаси — ердан олинган фойданинг тенг ярмини яна ерга сарфлаш лозим. Боз устига об-ҳаво инжиқликлари ҳам ўзига яраша сарфхаражатни талаб қилади. Айтмоқчиманки, фермер зиммасида жуда катта масъулият бор.

Собиқ тузум даврида мавжуд ерлар давлатга қарашли эди. Энди-чи, бизнинг — фермернинг мулкига айланган. Жамоамизда 15 киши ишлайди. Олинган даромад шунча оилага фойда, манфаатдорлик келтирмоқда.

— Фаолиятимнинг дастлабки кунларидан бошлаб, ўзим истиқомат қилаётган қишлоқ аҳолисини тоза ичимли

моқда. Янги сув иншоотлари 2012 йилнинг ўрталарида фойдаланишга топширилади. Фидойи ва ишбилармон фермернинг режалари катта. Ҳозирги кунда у Италиядан 150 минг АҚШ доллари миқдоридagi сувни газлайдиган ва мевани қадоқлайдиган замонавий ускуна олиб келиш ҳаракатида юрибди.

— Сармоядан кўнглимиз тўқ, — дейди фермер. — Агар ушбу ният амалга ошса, қишлоқ ёшлари учун 15 та янги иш ўрни яратилади. Истиқлол самараларини ўз ҳаётимиз мисолида кўриб турибмиз. Кейинги йилларда икки қаватли мактаб биноси, маиший хизмат кўрсатиш иншооти, замонавий супермаркет фойдаланишга топширилади. Шунини алоҳида таъкидлаб ўтмоқчиманки, қишлоғимизда ҳар ойда

фермерлар, тadbиркорлар, маҳалла оқсоқоллари, ёшлар, хотин-қизлар иштирокида аҳолида тadbиркорлик кўникмаларини шакллантириш бўйича амалий тadbирлар ўтказиб келинмоқда. Бундай хайрли тadbирлар ўтказилишида туман ҳокимлиги, прокуратура, ички ишлар бўлими бошлиқлари ҳамда туманнинг тегишли мутасадди ташкилотлари раҳбарларининг бевоқифа иштироки муҳим аҳамият касб этмоқда.

Таъкидлаш жоизки, «Файз агро сервис» каби илғор хўжалиқлар Бухорода қўллаб топилди. Улар яратиб берилган имкониятлардан кенг фойдаланиб, эл-юрт фаровонлигига муносиб хисса қўшишмоқда. Бу, шубҳасиз, вилоятда изчил амалга оширилаётган ислохотларнинг амалий самарасидир.


хабарлар

### 200 КГ. 1,5 ТОННАГА АЙЛАНДИ

Касби туманидаги «Бозоров Ҳожиакбар» агрофирмаси аҳолига балиқ етказиб беришни йўлга қўйди.

1 гектар майдондаги кўлга эрта баҳорда 200 килограмм балиқ чавақлари ташланган эди. Ҳозир улар вазни 1-1,5 килограммгача етди. Айни пайтда 4 нафар киши меҳнат қилаётган балиқчилик хўжалиги аъзолари дастлабки йил учун 1,5 тоннадан ортиқ балиқ овлашни режалаштирмоқдалар.


М.РЎЗИЕВ тайёрлади.



### ДЕНОВБОЛА БОЛАЛАРИ УЧУН ЯНГИ МАКТАБ

Қашқадарё вилоятининг Китоб тумани марказидан 75 километр узоқликдаги Деновбола қишлоғида янги мактаб қурилади, фойдаланишга топширилди. 120 ўринга мўлжалланган замонавий мактаб биноси қурилишига давлат бюджетидан 202 млн. сўм маблағ сарфланди. Шу билан бирга мазкур таълим муассасаси ўқувчиларнинг самарали билим олишлари учун энг сўнгги русумдаги моддий-техник базаси билан ҳам таъминланди. Мактабнинг ишга туширилиши қишлоқ болажонлари қувончига-қувонч қўшди.

# КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК 2011-ТАДБИРКОРЛИК



## Андижон тажрибаси

АНДИЖОН ШАҲРИДА ПРЕЗИДЕНТИМИЗНИНГ ФАРМОН ВА ҚАРОРЛАРИ АСОСИДА ЯРАТИБ БЕРИЛГАН ҚУЛАЙ БИЗНЕС МУҲИТИ ТУФАЙЛИ КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИ СОНИ 2010 ЙИЛГА НИСБАТАН 485 ТАГА КЎПАЙДИ

Илҳомжон ЭҒАМНАЗАРОВ,  
«XXI ASR»

Тахлилчилар хусусий секторнинг саннат маҳсулотини ишлаб чиқаришдаги улуши 5,7 фоизга, экспортдаги улуши 54 фоизга ортиганини, агар шаҳардаги жами корхоналар томонидан 14 млн.196 минг 900 АҚШ доллари миқдоридagi маҳсулот экспорт қилинган бўлса, унинг 82 фоизи айнан ўрта қатлам вакиллари ҳиссасига тўғри келаётганини таъкидламоқдалар.

Бу йил «Ташаббус-2011» кўрик-танловининг шаҳар босқичида голиб деб топилган тadbиркор Шохиджон Жўраев етакчилиги қилаётган «Покиза гўшт маҳсулотлари» масъулияти чекланган жамиятига ҳам замонавий дастгоҳлар ўрнатилди. Аввалга бу ерда атиги икки хил маҳсулот ишлаб чиқарилган бўлса, айни пайтда 20 хил гўшт ва колбаса маҳсулотлари харидорларга етказиб берилмоқда.

Бундан ташқари, Андижон шаҳрида тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришни йўлга қўйган «Инвест текс» МЧЖда болалар ва катталар учун кийим-кечак тайёрлаб, маҳсулотнинг асосий қисми экспорт қилинмоқда. «Андолик» МЧЖда алкофол, «Олмос текстил»да тўқимачилик, «Металл торг локс», «СабрКОЛТД» корхоналарида эса Асакадаги автомобиль заводи учун бутловчи қисмлар тайёрланмоқда.

Бундай натижалар Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тadbиркорлик учун қулай бизнес муҳити яратилгани, соҳа вакиллари ҳар томонлама қўллаб-қувватланаётгани натижасидир. Айни пайтда фойдаланилмаётган бино ва иншоотларнинг 190 таси тadbиркорларга берилгани ҳам турли соҳаларга ихтисослашган корхоналар ташкил этиш имконини яратди. Соҳа мутахассислари маҳсулот ишлаб чиқариш ва аҳолига хизмат кўрсатиш шохобчаларини ташкил этиш хисобига 486 та иш ўрни яратилганини таъкидламоқдалар.

«Кичик бизнес ва хусусий тadbиркорлик йили» Давлат дастури асосида эса шаҳарда 1 октябрь ҳолатига 2328 та

тadbиркорлик субъекти рўйхатга олинди. Уларнинг 633 таси ҳуқуқий шахс мақомига эга, 1695 таси эса яқка тартибдаги тadbиркорлардир. Жорий йилнинг 6 ойида тижорат банклари томонидан юридик шахсларга 38,9 млрд. сўм,

лан ҳамкорликда ҳафтанинг ҳар жумасида «Очиқ эшиклар» кунини ўтказмоқда. Йил бошидан бундан ўтказилган ана шундай 37 та тadbирда 15031 та кичик бизнес субъектлари иштирок этдилар. Энг асосийси,

Дастурга кўра 9 ойда 50 та янги лойиҳа амалга оширилиб, 732 та янги иш ўрни яратилди. Бунинг учун корхоналар маблағи хисобидан 6,1 млрд сўм, хорижий инвестиция хисобидан 6,4 млн. АҚШ доллари, банк кредитлари хисобидан эса 6,5 млн. АҚШ доллари ҳамда 3,1 млрд. сўм миқдоридa маблағ сарфланди.

яқка тартибдаги тadbиркорларга эса 9 млрд. сўм — жами 47,9 млрд. сўм кредит маблағлари ажратилгани ҳам Андижонда соҳага алоҳида эътибор қаратилганини кўрсатаётди.

2011-2015 йилларда саннатни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига ихтисослашган янги қувватларни ишга тушириш манзилли Дастурига кўра, 9 ойда 50 та янги лойиҳа амалга оширилиб, 732 та иш ўрни яратилди. Бунинг учун корхоналар маблағи хисобидан 6,1 млрд. сўм, хорижий инвестиция хисобидан 6,4 млн. АҚШ доллари, банк кредитлари хисобидан эса 6,5 млн. АҚШ доллари ҳамда 3,1 млрд. сўм миқдоридa маблағ сарфланди.

Андижон шаҳар ҳокимлигидан олинган маълумотларда жорий йилнинг ўтган олти ойида хусусий секторнинг саннат маҳсулоти ишлаб чиқаришдаги улуши 17,2 фоизни, халқ истеъмоли молларида 63,5, пудрат ишларида 89,4, юк ташишда 56,6, йўловчи ташишда 78,9, маиший хизмат кўрсатишда 89,7, маҳсулот экспортида 82,9 фоизни ташкил этгани қайд этиляпти.

Шу ўринда тadbиркорларга қулайлик яратиш мақсадида халқаро стандартлар талабига жавоб берадиган ахборот ва маслаҳат ҳамда интерактив тарзидаги хизматлар кўрсатиш бўйича «Ягона ойна» маркази йўлга қўйилди. Шаҳар ҳокимлиги Савдо-саннат палатаси би-

«Очиқ эшиклар кунини»да тadbиркорларнинг 3313 та муурожаати рўйхатга олинди, уларнинг 93 фоизи ижобий ҳал этилди.

Юртбошимиз Андижонда бўлганларида ҳам шаҳарда олиб борилаётган қурилиш ва ободончилик ишлари билан танишиб, тadbиркорлар фаолиятига ҳам юқори баҳо бердилар. Шаҳарда қуриллаётган уч ва тўрт қаватли уйларнинг биринчи қаватида кичик корхона ва аҳолига хизмат кўрсатувчи шохобчалар очилиб, янги иш ўринлари яратилгани, жорий йилнинг ўтган даврида тadbиркорлар томонидан 370 та савдо, 17 та кийим тикиш ва таъмирлаш, 30 та сартарошхона ва гўзаллик салони, 12 та суратхона, 2 та ҳаммом, 2 та гузар ва 181 та бошқа шохобчалар топширилгани Андижонда бу жараён изчил давом этаётганидан далолатдир.

Хулоса қилиб айтганда, азал-азалдан хунармандчилик ва савдо-сотик ривожланган Андижон шаҳрида бугун тadbиркорлик янада кенг қулоқ ёймоқда. Шаҳарда ўрта синф вакиллари сафи ортиб, уларнинг худудни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, халқ фаровонлигини оширишдаги роли тобора ортмоқда. Бунини улар олиб бораётган бунёдкорлик ва яратувчилик ишлари ҳам яққол кўрсатиб турибди.

Хўш кўриш билан тadbиркорлик ва фермерликни қўллаб-қувватлаш маркази. Нодавлат нотижорат ташкилоти хусусий бизнесни йўлга қўйиш, иш фаолиятини турли нуқсонларни ариштириш сабабларини таҳлил қилиб, уларни бартараф этишда сизларнинг энг яқин ҳамкорингиз ва кўмакчингиздир. Фаолиятингизда бирор муаммо юз берса, сизга икки кунлик бизнинг мурожаат этиши! Манаки Мирзо Улughбек тумани, Қорасоғ'он даҳаси 18-йўли. Тел: 0 (847) 265-80-48; 265-73-17. E-mail: depnat.uz@rambler.ru

# БАНК ТИЗИМИ


web sayti: www.21asr.uz

реклама

**Ҳақиқатан ҳам, Ўзбекистоннинг етакчи банкларидан бири — «Асака» давлат акциядорлик-тижорат банки фаолиятининг илк кунлариданоқ ҳар бир миқозга унинг индивидуал талабидан келиб чиққан ҳолда ёндашаётгани, хизмат сифатини оширишга бирламчи эътибор қаратаётгани ўз натижасини бермоқда.**


Айни пайтда банк жамоаси «Инқирозга қарши дастур» ижросини таъминлаш, шу асосда узоқ муддатли ўсиш ва ривожланишга эришиш, инвестицион жозибадорликни ошириш, юқори ликвидлик ва барқарорликни, асосий кўрсаткичларнинг илдам ўсишини таъминлаш ва уларни жаҳон стандартлари талаблари даражасига етказишга интилиш орқали юқори рақобатбардор, ички бозор ва экспорт талабларига мос маҳсулотлар ишлаб чиқарадиган ва хизматлар кўрсатадиган миқозларга ҳамда хорижий ҳамкорларга юқори сифатли банк хизматларини тақдим этиш бўйича фаол иш олиб бормоқда. Буни мазкур молия муассасасининг фаолиятига жаҳоннинг етакчи ва нуфузли халқаро рейтинг агентликларини томонидан берилган юқори рейтинг баҳолари тасдиқлаб турибди.

Жумладан, жорий йилнинг 30 сентябрида «Moody's Investors Service» халқаро рейтинг агентлиги «Асака» банк рейтингини «BAKAPOR» деб тасдиқлади. Шунингдек, «Fitch Ratings» халқаро рейтинг агентлиги банкнинг халқаро кредит рейтинг истиқболлини «BAKAPOR» деб эътироф этганлиги эътиборга молик. Бундан ташқари, «Асака» банк «Банкирь» (Украина) журнали томонидан ташкил этилган «МДХ, Болтиқбўйи, Грузиянинг — 2010 йил банки»



## «Асака» банк ўрта қатлам таянчига айланмоқда

**2011 йилнинг 9 ойида мамлакатимиздаги энг йирик молия институтларидан бири ҳисобланган «Асака» банкнинг жами активлари ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 34,6 фоизга ўсиб 3296,5 млрд. сўмни ташкил этди. Банкнинг жами капиталли эса 54,3 млрд. сўмга ўсиб, 434,0 млрд. сўмга етказилди. Миқозларга қулай шарт-шароитлар яратилаётгани туфайли эса уларнинг сони 30,3 фоизга ўсди ва 1038,1 минг нафарга етди**



халқаро танловида иштирок этиб, «МДХ, Болтиқбўйи, Грузия банклари ичида энг очик ва шаффоф банк» номинацияси бўйича голиб, деб топилганлигини алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиз.

Маълумки, «Асака» банк фонд бозорига йирик инвесторлардан бири ҳисобланади. У 37 корхонанинг акциядори ва устав фондларида ўз улушига эга бўлиб, акциялар портфели республика иқтисодиётининг 10 та тармоғи бўйича диверсификациялаштирилган. Банкнинг корхоналар акциялари ва устав фондларидаги улуши эса 95,4 млрд. сўмдан иборат.

Айтиб ўтиш жоизки, банк кредит қўйилмалари ва лизинг хизматлари ҳажми 33,5 фоизга ўсди ва сўм эквивалентда 1563,9 млрд. сўмни ташкил этмоқда.

Кредит қўйилмаларининг 1146,3 млрд. сўм (кредит портфелининг 77,7 фоизи) миқдоридидаги қисми узоқ муддатли кредитларни ташкил этади, шундан 968,4 млрд. сўм миқдоридидаги қисми инвестицион кредитлардир.


Жорий йилнинг ўтган 9 ойи мобайнида банк асосий эътиборни иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини қўллаб-қувватлаш, экспорт ва импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи корхоналар фаолиятини қўллаб-қувватлашга ва инвестицион лойиҳаларни молиялаштиришга қаратди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 28 июлдаги «Тижорат банкларининг инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришга йўналтирилган узоқ муддатли кредитлари улушини кўпайтиришни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига мувофиқ, банк томонидан 115 та инвестицион лойиҳани молиялаштириш учун 260,4 млрд. сўм эквивалент миқдоридида кредитлар ажратилди.

Давлатимиз раҳбарининг 2010 йил 29 декабрдаги 1455-сонли қарорига мувофиқ эса инвестицион лойиҳаларни молиялаштиришга йўналтирилган кредитларнинг умумий ҳажми 355,9 млрд. сўмни ташкил этди.

Бундан ташқари, банк Навоий эркин индустриал-иқтисодий зонасида жаҳон стандартларига жавоб берадиган ва дунё бозорларида талаб қилинадиган маҳсулот ишлаб чиқаришни таъминлайдиган, замонавий, юқори технологияли ишлаб чиқаришларни ташкил этиш мақсадида, шунингдек, Навоий

вилоятининг sanoat salohiyatini, ishlab chiqarish va ijtimoiy infratuzilmasini rivojlantirishga xizmat kiladigan loyiخالарни молиялаштириш давом эттирилиб, 15,7 млрд. сўм миқдоридида кредитлар берилди.

Саноат кооперацияси асосида тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш, бу борадаги ишларни



янада чуқурлаштиришни рағбатлантириш, экспортга мўлжалланган рақобатбардор маҳаллий маҳсулотларни ишлаб чиқаришни кўпайтириш, тармоқлар ва ички тармоқ саноат кооперациясини ривожлантириш ҳамда мустахкамлаш ва шу асосда аҳоли бандлиги ўсишини таъминлаш, уларнинг моддий фаровонлигини ошириш мақсадида банк томонидан 156,0 млрд. сўм миқдоридидаги 15 та инвестицион лойиҳа молиялаштирилди.


Банк томонидан 37 та лойиҳа бўйича 17,0 млрд. сўм миқдоридида лизинг хизматлари кўрсатилиб, лизинг портфели ҳажми жорий йилнинг 1 октябрга ҳолатига 88,9 млрд. сўмни ташкил қилди. «Асака»-банкнинг лизинг портфели иқтисодиётнинг турли тармоқлари (саноат, қишлоқ хўжалиги, транспорт ва алоқа, қурилиш, ижтимоий соҳа ва бошқа тармоқлар) бўйича диверсификациялаштирилган.

Шу билан бирга банк томонидан хусусий секторни ривожлантириш Ислоом корпорациясининг (ХСРИК) кредит линиясини ўзлаштириш бўйича фаол ишлар олиб борилмоқда. Ҳозирда ХСРИК томонидан 7,1 млн. АҚШ доллари миқдоридидаги лойиҳаларни молиялаштириш маъқулланган. Жорий йил охирига қадар яна 6 млн. АҚШ доллари ҳажмидаги лойиҳаларни молиявий қўллаб-қувватлаш режалаштирилмоқда.

Бугунги кунда «Асака» банки фаолиятининг устувор стратегик йўналишларидан бири кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига кўрсатилаётган хизмат турлари кўламни кенгайтириш ҳамда сифатини яхшилаш билан бирга уларнинг ривожланишига ижобий шарт-шароитлар яратилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 24 августдаги «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш учун қулай ишбилармонлик муҳитини шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармони қабул қилини-

ши соҳа равнақи учун кенг имкониятлар яратди. Ҳозир банк жамоаси бундай субъектлар билан ўзаро ҳамкорликни янада такомиллаштириш ва соддалаштиришга, хизмат кўрсатиш сифатини оширишга, ажратилаётган кредитлар, биринчи навбатда, янги ишлаб чиқариш қувватларини ташкил этишга, мавжуд ишлаб чиқариш қувватларини модернизация қилишга ва технологик янгилашга йўналтирилган узоқ муддатли кредитлар ҳажмини кўпайтириш йўлидан бормоқда. Жорий йилнинг 1 сентябридан бошлаб кичик бизнес субъектларидан миллий валютада ҳисобрақами очганлик учун тўлов ундириш бекор қилингани, уларнинг кредитлар ажратиш ҳақидаги аризаларини кўриб чиқиш муддати уч банк иш кунини эътиборга олиб, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари-



га банк кассаларига энг кам иш ҳақининг йигирма баробари миқдорига бўлган нақд пул тушумини мустақил топшириш ҳуқуқи берилгани миқозларга мақул бўлмоқда.

Шунингдек, Президентимизнинг 2011 йил 25 августдаги «Бюрократик тўсиқларни бартараф этиш ва тадбиркорлик фаолияти эркинлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори тадбиркорлик фаолияти кўламлигини кенгайтириш, мамлакатнинг экспорт салоҳиятини ошириш ва маҳсулотларни хорижга етказиб беришни кўпайтиришда кичик бизнес субъектларининг фаол иштирок этишлари учун қулай шарт-шароитларни яратишда муҳим омил бўлмоқда.

Хусусан, «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» Давлат дастурининг ижросини таъминлаш бўйича «Асака» банк томонидан жорий йилда 420,0 млрд. сўм миқдоридида кредитлар ажратилиши режалаштирилган эди. Ўтган 9 ой мобайнида 346,1 млрд. сўм ва 5,8 млн. АҚШ доллари миқдоридида кредитлар ажратилиб, пировардида 8900 та янги иш ўрни яратилди.

Давлатимиз раҳбарининг 2006 йил 23 мартдаги «Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжалиқларида чорва молларини кўпайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида 831 нафар жисмоний шахсларга чорва моллари харид қилиш учун 2,9 млрд. сўм миқдоридида маблағ ажратилди. Шунингдек, қорамолларни кўпайтириш ва чорвачиликни ривожлантиришга қаратилган 38 та лойиҳани молиялаштириш учун 2,8 млрд. сўм миқ-


доридида кредитлар ажратилди.

Аграр соҳани ривожлантириш ҳамда иқтисодий ва молиявий барқарор қишлоқ хўжалиги корхоналарини ташкил қилиш, деҳқон ва фермер хўжалиқларини зарур техника билан таъминлашга қўмаклашиш учун 14,4 млрд. сўм миқдоридида кредитлар ажратилган бўлса, республикадаги паррандчиликни ривожлантириш, яъни бу тармоққа доир 33 та лойиҳани молиялаштириш учун 45,6 млрд. сўм миқдоридида кредит йўналтирилди, озик-овқат маҳсулотлари билан таъминлашни янада яхшилаш мақсадида уларни ишлаб чиқарувчи корхоналарга эса 76,4 млрд. сўм миқдоридида кредитлар берилди.

«Асака» банки озик-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришга мўлжалланган лойиҳаларни молиялаштириш асосида республикада аҳолисини барқарор тарзда озик-овқат маҳсулотлари билан таъминлашга ўз ҳиссасини қўймоқда.

Аҳолининг турмуш фаровонлигини янада яхшилаш мақсадида 1653 нафар фуқароларга 3,8 млрд. сўм миқдоридида истеъмол кредитлари, 405 нафар оилага 17,8 млрд. сўм миқдоридида ипотека кредитлари ажратилди.

Ёш оилаларни моддий жиҳатдан



қўллаб-қувватлаш учун банк томонидан уларга имтиёзли шартларда хизматлар кўрсатилаётгани ҳам эътиборга молик. Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида 328 нафар ёш оилаларга 15,8 млрд. сўм миқдоридида ипотека кредитлари, 534 нафар ёш оилага 2,2 млрд. сўм миқдоридида истеъмол кредитлари берилгани бунинг тасдиғидир.

Пул маблағларини банкдан ташқари айланмасини қисқартиришга қаратилган Ўзбекистон Республикаси Президентини ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ижросини таъминлаш борасида аҳоли маблағларини омонатларга жалб этиш бўйича «Асака» банк томонидан фаол иш юритилмоқда. Мисол учун Президентимизнинг 2008 йил 20 февралдаги «Тижорат банкларида аҳоли омонатлари шартларини либе-

раллаштириш ҳамда кафолатларини таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармонида кўра, «Асака» банк томонидан 82 турдаги миллий ва хорижий валютадаги омонатлар жорий қилинган бўлиб, уларни банкнинг барча филиалларида расмийлаштириш мумкин. Ушбу омонатларга қўйилган маблағлар белгиланган муддатларда омонатчиларнинг биринчи талаблари билан нақд пулда таъминлаб берилмоқда. 2011 йилнинг 9 ойида 12 та янги омонат турлари жорий этилди. Натижада аҳоли омонатлари қолдиги жорий йилнинг 1 октябрга ҳолатига ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 46,5 фоизга ўсди. Омонатчилар сони 233 минг нафарга кўпайиб, 1 млн. 8 минг нафарга етди.

Банк жамоаси замонавий ва қулай тўлов воситаси ҳисобланган пластик картоқчалар борасида ҳам самарали фаолият олиб бормоқда. Хусусан, жорий йилнинг 1 октябрга ҳолатига 760 минг дона пластик картоқчалар муомалага чиқарилиб, уларнинг сони ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 168 минг донага кўпайгани диққатга сазовордир. Бундан ташқари, 7423 та терминал, 35 та банкومات ва 35 та инфокиоск ўрнатилди. 620 та корхона ва ташкилотларда «иш ҳақи» лойиҳалари жорий этилиб, уларнинг сони 6580 тага етказилди.

Пластик картоқчалар орқали амалга оширилаётган нақд пулсиз ҳисоб-ки-тоблар ҳажми ҳам кенгаймоқда. 1 октябрга ҳолатига савдо айланмалари миқдори 1659,1 млрд. сўмни ташкил қилди ва ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 657,2 млрд. сўмга ўсишга эришилди.

«Асака» банкда ўрнатилган барча инфокиоск ва банкوماتлар UZ PAYNET тўлов тизимига уланган бўлиб, миқдорли пластик картоқча орқали коммунал хизматлар бўйича ва уяли алоқа учун тўловларни амалга ошириш, пластик картоқча эгаларига, қайси банк эмитенти бўлишидан қатъий назар, ўз ҳисоб рақамидидаги пул маблағлари ҳолати бўйича маълумотларни олиш, пул маблағларини пластик картага юк-лаш имкониятига эгадирлар. Бундан ташқари, «MasterCard» ва «Maestro» халқаро пластик карталари соҳиблари учун «Асака» банк банкوماتларидан нақд пул маблағларини ўз истакларига кўра миллий валютада (расмий курс бўйича) ёки АҚШ долларида олиш имконияти яратилди.

Айни чоғда «Халқаро пластик картоқчалар («MasterCard») орқали нақд пулсиз ҳисоб-ки-тобларнинг автоматлаштирилган тизими»ни кенгайтириш борасидаги ишлар изчил давом эттирилмоқда. Банк томонидан чиқарилган халқаро пластик картоқчалар сони 40,8 минг донага кўпайиб, 154,5 минг донани ташкил қилмоқда.

Миқозларга масофадан ахборот хизматларини кўрсатиш соҳасида янги «SMS-BANKING» хизмати ҳам ривожлантирилмоқда. У уяли телефон орқали банк билан матн форматидида SMS-хабарлари орқали масофадан ахборот хизматларидан фойдаланиш имконини беради. Ҳозирда ушбу тизимдан фойдаланаётган миқозлар сони 482 нафарни ташкил этиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 163 нафарга ёки 72,1 фоизга ортди.

«Банк-миқоз» дастурий комплекси орқали пул-ҳисоб ҳужжатларини электрон шаклдан фойдаланган ҳолда миқозларга хизмат кўрсатиш ҳажмини оширишга йўналтирилган ишлар фаол давом эттирилди. Мазкур хизмат туридан фойдаланаётган миқозлар сони 421 нафарга ёки 2 баравардан зиёд миқдорга кўпайди. Айни чоғда ушбу хизматдан 840 нафар миқоз баҳраманд.

Шунингдек, банк мутахассислари томонидан янги хизмат тури бўлмиш




«SMS Tolov» тўлов тизими жорий этилиши натижасида миқозлар ўз уяли телефонлари ёрдамида барча коммунал хизматлар бўйича, уяли алоқа, интернет-провайдерлар хизмати учун, савдо-сервис корхоналарида товарлар ва хизматлар бўйича бўлган тўловларни амалга ошириш имкониятига эга бўлдилар

**Бир сўз билан айтганда, «Асака» давлат акциядорлик-тижорат банки жамоаси кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йилида иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини молиявий қўллаб-қувватлашга, маҳаллий хом ашёдан импорт ўрнини босувчи ва экспорт маҳсулотлар ишлаб чиқаришга ва хизматлар кўрсатишга мўлжалланган тадбиркорлик субъектлари лойиҳаларини молиялаштириш, миқозларга юқори сифатли банк хизматларини кўрсатиш бўйича ишларни янада фаол давом эттираверди.**


Банк Ахборот хизмати

воқеалар, далиллар, шарҳлар



## ОЛЛАНД — ПРЕЗИДЕНТЛИККА АСОСИЙ НОМЗОД

Хабарларга қараганда, француз социалистлари Франсуа Олландни яна бир бор Елисей саройига қайтишига умид боғламоқдалар. Социалистлар партиясининг етакчиси 16 октябрдаги партия сайловда 56 фоиздан ортиқ овоз тўплаганидан сўнг сўл муҳолифатчиларининг қонуний номзодига айланган. Олланд Франциядаги таниқли сибсатчилардан бири бўлиб, 1979 йилда мазкур партияга аъзо бўлган. 80-йиллар бошларида эса Франция ҳисоб палатасида аудитор ҳамда Миттераннинг иқтисодиёт масалалар бўйича маслаҳатчиси сифатида фаолият олиб борган. 1997 йилдан ФСПнинг биринчи котибидир. Аммо Олланд ҳеч қачон социалистлар ҳукуматига аъзо бўлмаган. Унинг 2006 йилда президентликка номзод Руаяльнинг сайлов кампаниясида ҳам фаол иштирок этгани тилга олинмоқда. Айни пайтда Франция президентлигига асосий номзодлардан бири, дея эътироф этилаётган Олландни мамлакатнинг собиқ раҳбари Жак Ширак ҳам қўллаб-қувватлашини айтган.



## PHILIPS 4,5 МИНГ ИШЧИСИДАН ВОЗ КЕЧМОҚЧИ

Европада асосан электроника маҳсулотларини ишлаб чиқаришга ихтисослашган етакчи компания 4,5 мингта иш жойини қисқартириш арафасида турибди. Маълумот ўрнида шунини айтиш керакки, ишдан кетувчиларнинг тўртдан бири қисми компания ватани — Нидерландия ҳисобига тўғри келмоқда. Концерн шу орқали харажатларни 800 млн. еврога қисқартиришни мўлжаллаётди. — Philips тобора мураккаблашиб бораётган бозор шароитида ривожланиш йўллари изламоқда, — дейди компания раҳбари Франс ван Хутен — Менга ишчи-хизматчиларни вазифаларидан четлатиш осон эмас. Аммо бу компаниянинг рақобатбардош бўлиши учун жуда муҳимдир. АҚШдаги истеъмолчилар фаоллигининг пасайиши ва Европада хом ашё таннархининг ошиши натижасида Philipsнинг жорий йил учинчи чорағидида даромади 85 фоизга тушиб кетиб, 76 млн. еврони ташкил қилган. Ўтган йилнинг шу даврида эса компания 524 млн. евро даромад кўрган эди.

## КОНГРЕСС 100 МИНГ НАФАРГА ҚАРШИ

2008 йилдаги президентлик сайловларида Обаманинг рақиби — Сенатор Жон Маккейн АҚШ президенти Барак Обаманинг Угандага 100 минг нафар ҳарбий хизматчи юборишга қаратилган қарори янги ноҳушликларга олиб келиши мумкинлигини таъкидлади. Унинг фикрича, айни пайтда 100 минг америкалик ҳарбий Афғонистонда хизмат қилмоқда. Ироқдаги аскарларни олиб чиқиб кетиш ҳам охирига етмаган. Бундан ташқари, президент бундай қарорга келишда Конгресс билан келишмаган. Эслатиб ўтамиз, АҚШнинг амалдаги президенти жорий йилнинг 14 октябр кuni Угандага 100 минг нафар аскар юбориши ҳақидаги мактубни Конгрессга тақдим этган.

Ақбар МУЗАФФАРОВ тайёрлади

## Файзулло АБДУЛБОҚИЕВ

Албатта, бундай ўсиш сайёрада тоза ичимли суви, озиқ-овқат маҳсулотларига бирламчи эътибор қаратишни тақозо этади. Сўнгги йиллардаги иқлим ўзгаришлари, айниқса, курғоқчилик, тупроқ шўрланиши, зараркунанда ҳашаротлар ва фитовируслар таъсирида ўсимликларнинг нобуд бўлиши муаммони янада жиддийлаштира бошлади. Натижада дунё олимлари кам маблағ сарфлаб, кўп ҳосил берадиган, ҳар қандай касаллик ва зараркунандалар таъсирига бардош берадиган ирси ўзгартирилган ўсимликлар ва маҳсулотлар яратишга зўр бера бошладилар. Бир-бири билан оиладош бўлмаган организмларнинг чатиштирилиши, аниқроқ айтганда, жониворлар генининг экинларга, ўсимликлар генининг эса ҳайвонларга кўчириб ўтказилиши туфайли янги қувватга эга организмлар ақл бовар қилмайдиган турли шакл, ранг ва вазнга киритила бошланди. Уларга ҳар хил кимёвий моддалар ёки ўғит беришга ҳожат қолмаётди ҳисоби. Айрим корчалонларнинг эса гени ўзгартирилган маҳсулотлар (ГҲМ) туфайли очарчилик, курғоқчилик ҳукм сураётган мамлакатлардаги муаммони ҳал қиламиз, дея жар солаётганларини ҳам инкор этиб бўлмайди.

Таъкидлаш жоизки, гени ўзгартирилган ўсимликлардан маҳсулот олишнинг афзаллиги ёки зарари борасида дунё олимлари ҳозирча ягона тўхтама қелганларича йўқ. Бир гуруҳ олимлар эса бундай маҳсулотлар муаммони ҳал қилиш уёқда турсин, инсон организмга салбий таъсири борлигига, асл мақсад фойда кўриш эканига алоҳида эътибор қаратмоқдалар. Шу боис ген муҳандислиги, клонлаш, биотехнологик усуллар орқали геноми ўзгартирилган ўсимлик ва ҳайвонлар етиштирилаётганлиги ҳақидаги хабарлар жаҳон матбуотида хавотир билан тилга олина бошланди.

Шунинг учун ҳам ирси чатиштирилган маҳсулот (ИЧМ) ни ишлаб чиқарувчи асосий давлатлар — АҚШ, Канада, Лотин Америкаси, Европа Иттифоқида бундай ўсимликлардан олинган озиқ-овқат маҳсулотларини махсус белги қўйилганидан кейингина сотиш жорий этилди. Бу талаб бузилган тақдирда компанияларга жуда катта жарималар қўлланилиши белгилаб қўйилди.


Шу ўринда Европа Иттифоқи мамлакатлари судларида «Мақдоналдс» маҳсулотларида ирси чатиштирил-

ган қўшимчалар борлиги, аммо бу ҳақда огоҳлантириш берилмагани боис бир қатор давбо ишлари кўриб чиқилаётганини таъкидлаш керак.

Дунёдаги учта халқаро компания ҳукмрон бўлган гени ўзгартирилган маҳсулотлар бозорида йилига 20 млрд. доллар миқдорда пул айланаётгани ҳам соҳанинг улкан бизнесга айланганидан далолат беради. Аммо ана шу фирмалар мутасаддиларининг қилмишлари генетик ўзгартирилган маҳсулотлар хавфи нақадар кучли эканини ҳам ошқор қилиб қўйди. Гап шундаки, каламуш ус-тида тадқиқот олиб борган инглиз олимнинг ўз хулосасини рухсатсиз эълон қилиб юбориши унинг ишдан ҳайдалишига олиб келди. Ушбу тадқиқот ирси чатиштирилган картошка билан боқилган каламушда тез-тез ошқорзон ўсмаси пайдо бўлиши, эндокрин тизимида эса бузилишлар ва насл қолдириш масаласида мун-

**Қашшоқ мамлакатларга ёрдам кўрсатиш тўғрисида юксак минбарлардан айтилаётган баландпарвоз шиорларга қарамай, ҳеч ким ўзидаги «ортиқча маҳсулот»ни текинга беришни истамаяпти. Бунинг ўрнига аксарият давлатлар ортиқча захирани биоёнилғи ишлаб чиқаришга сарфлашни афзал кўришяпти.**

аммолар пайдо бўлганини ошқор этиб қўйди. Шу нуқтаи назардан аҳоли орасида саратон, оққон, ошқозон-ичак касаллиги каби хавфли хасталикка чалинганлар сони ошиб бораётган бўлиши ҳам мумкин. Айрим олимлар ирси ўзгартирилган ҳайвонлар ва ўсимликларнинг ҳаётга лаёқатлиги ва уруғлини сушт бўлишини ҳамда насл қолдирилмаслигини таъкидлай бошладилар. Мана шу икки унсурнинг ўзиёқ ГҲМлар таҳдиди оддий муаммо эмаслигини кўрсатади. Бу бир томондан, чорвачиликка қирон келтирса, иккинчидан, касалликка чалинган ҳайвон гўштини истеъмол қилган одам организмиде салбий ўзгаришларни келтириб чиқаради. Ичимизга овқат билан бирга кирадиган бегона ДНКга келсак, у ҳақиқатан ошқорзонда парчаланиб кетади. Аммо бутунлай эмас. Тўғри, ДНКнинг ўзи шундайлигича хавфли эмас, балки ундан пайдо бўлган маҳсулот — гармон табиатли оқсил, инсектицидлар хавфлидир. Масалан, гени ўзгартирилган картошкада инсектицид моддалар мавжудлиги учун хатто уни колорадо кўнғизи ҳам истеъмол қилмас экан. Ақула гени билан чатиштирилган помидор ёки сичқон гени қўшилган бодринг миллионлаб одамларнинг давоси йўқ дардларга чалинаётганига сабаб бўлаётганига ҳам олимлар алоҳида эътибор қаратмоқдалар. Бу кетишда, бир томондан, халқлар ва давлатлар тақдирини хавф остида қолса, иккинчидан, мева-сабзавотлар оддий шароитда уруғ бермай қўйиши мумкин.



Тўғри, айни пайтда дунёда гени ўзгартирилган маҳсулотларини истеъмол қилмаган одам топилмас керак. Чунки бундай моддалар қолбаса маҳсулотлари, шоколад, карамель, чипс, сут ва кондитер маҳсулотлари, печенье ва музаймоқларга мунтазам қўшилмоқда. Яна ҳам ёмони — маҳсулот ишлаб чиқарувчилар қўпича мижозларга озиқ-овқат таркибига ГҲМ қўшилгани ҳақида ҳеч қандай маълумот бермаяптилар.

Хитой фанлар академиясининг «Фан янгиликлари» журналида чоп этилган мақолада айтилишича, ирси ўзгартирилган маҳсулотлар таркибидаги токсинлар, иммун ашёлар ва аллергиялар одамларда ўткир ва сурункали ич кетиши, саратон ва қон раки, наслининг давом этишини хавф остида қолдириши мумкин бўлган турли касалликларни келтириб чиқариши айтилади. Бунинг исботи ўлароқ, «Гринпис» экспертлари Хитойдан тарқалаётган Вt-63 навли гуруч таркибида инсон ҳаёти учун хавфли моддалар борлигини исботладилар. Текширувларда гуруч таркибидаги оқсиллар сичқонларда аллергия реакцияни келтириб чиқаргани ҳам аниқланди.

Энг ёмони, бугунги кунда дунёнинг 25 та мамлакатиде расман ирси ўзгартирилган маҳсулотлар етиштирилмоқда. Улар учун ажратилган майдонлар эса Перудани барча экин майдонларига тўғри келишига эътибор қаратмаслик мумкин эмас. ГҲМ сунъий ёки чатиштирилган уруғларни ишлаб чиқарадиган ва сотадиган катта компаниялар учун да-

ромад олишнинг энг осон ва қулай йўлига айланди. Таъкидлаш керакки, 2010 йилда ирси ўзгартирилган уруғлар бозоридаги савдо-сотикнинг умумий ҳажми 25 миллиард АҚШ долларини ташкил этган. Унинг ҳосили эса 13 маротаба кўп даромад келтирган. Натижада ГҲМ бозорлардан майда фермерларни қисиб чиқаришдан ташқари, улар қўлидан ерларни тортиб олиш борасидаги қаҳриқлар ҳам янграй бошладди.

Ген инженериясини ривожлантириш тарафдорларининг фикрича, ГҲМ умуман хавфсиз, шу нуқтаи назардан инсониятни очликдан халос этиши мумкин. Бироқ трансген ишлаб чиқарувчи ширкатлар 2015 йилга бориб очлар сонини 800 миллиондан 400 миллионга камайтириш борасидаги ваъдаларини унутган кўринадилар. «Қуруқ қошиқ оғиз йиртар» деганларидек, трансген маҳсулотлар жуда катта миқдорда ишлаб чиқарилганига қарамай, дунёда очлар армияси сони кундан-кунга ошиб бормоқда. Негаки, йирик ривожланган давлатлар шундоқ ҳам улкан миқдордаги озиқ-овқат маҳсулотларини етиштиряптилар. Бу билан дунёдаги барча очларни тўйдириб мумкин. Аммо қашшоқ мамлакатларга ёрдам кўрсатиш тўғрисида юксак минбарлардан айтилаётган баландпарвоз шиорларга қарамай, ҳеч ким ўзидаги «ортиқча маҳсулот»ни текинга беришни истамаяпти. Бунинг ўрнига аксарият давлатлар ортиқча захирани биоёнилғи ишлаб чиқаришга сарфлашни афзал кўри-

шяпти. ГҲМнинг кенг тарқалиши эса «улкан бизнес юриши»дир. Масаланинг яна бир томони шундаки, ривожланган давлатларнинг сунъий уруғларни кўпайтириш ва тарғиб этиш даъватлари замирида ривожланаётган давлатлардаги табиий уруғларни маҳв этиш ва ўша давлатларнинг келажаги бўлиши ёш авлодни жисмонан захарлаш мақсади мавжуд эмаслигига ҳам ҳеч ким қароқат бера олмайди. Чунки ирси ўзгартирилган уруғлар маҳсулотидан кейинги йил ҳосили учун уруғ ёки насл олиш имконсиздир. Агар гени ўзгартирилган ўсимликлар ёки ҳайвонлар вирусини тарқатишга батамом эришилса, эрта ёки индин ривожланаётган давлатни ҳеч қандай қуролсиз бўйсундириш, ҳеч бўлмаса, ўз измига солиш осонлашади. Бунинг ўз вақтида англаётган давлатлар соҳага оид қонун лойиҳалари ишлаб чиқиш ёки амалдаги қонунларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритишга уринаётдилар.

Энг ёмони, агар сунъий уруғ соф уруққа аралашса, уни ҳам зарарлантириши фанга маълум бўлди. 2006 йили АҚШнинг «Байер Кропсайенс» гуруч компанияси иштирокида кўплаб мамлакатлар далаларида худди шундай ҳодиса юз берганини эсга олайлик. Генетик инфосланишнинг кенг тарқалиши оқибатида биргина Канадада табиий рапс буткул йўқ бўлиб кетди.

Жаҳонга машҳур биолог олимлар оқоватида ГҲМ қўшиб берилган каламушлар авлодида ўлим ҳолати ошиб кетганини ҳам таъкидлай бошладилар. Бундан ташқари, жониворларда озиб кетиш, агрессивликнинг кучайиши, ошқозоноти бези, қон таркибининг бузилиши, фарзандлари тўғрисида қайғурмаслик аломатлари ҳам кузатилган. Шу нуқтаи назардан, агар бундай хавфдан бугун химояланилмаса, эртага соғлом авлод ҳақида қайғуриш маънисиз бўлиб қолиши мумкин. Аввалига озиғига гени ўзгартирилган маҳсулотлар қўшиб берилган Америка товуқ гўшларининг зарарсизлиги хусусида ҳам бонг урилди, аммо унинг гормонлари болага она қорнидаёқ таъсир кўрсата бошлаши мумкинлиги аниқланган, бу маҳсулотларга нисбатан муносабат буткул ўзгарди. Айтилик: соғлом туғилган гўдак 12 ёшга етганидан кейин бирданига бесўнақай бўлиб семирай кетиш ҳолатлари дунёнинг бир қатор минтақаларида кўзга ташлана бошлади. Айниқса, семирликдан азият чекаётган АҚШда мамлакатнинг биринчи хоними Мишель Обаманинг ушбу касалликка қарши кураш кампаниясини бошлаб юборгани ҳам бежиз эмас, албатта.

Албатта, бу мисоллар орқали ген мавзуи юзасидан аниқ бир хулоса чиқариб бўлмайди. Чунки бу йўналишда тадқиқот ва излашлар хануз давом этмоқда. Лекин нима бўлганда ҳам ўзгартирилган маҳсулотлар инсониятни очарчилик ва қашшоқликдан химоя қилувчи воситага айландими-йўқми, бунинг афзаллиги ҳақда — вақт кўрсатади.

## ЭЪЛОН

### ҲУРМАТЛИ ТАДБИРКОР ВА ИШБИЛАРМОНЛАР! «ARSH SAVDO — ELIT» МЧЖ ОЧИҚ АУКЦИОН САВДОСИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ

Аукцион савдосига Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 26 майдаги 153-сонли қарори ижросини таъминлаш мақсадида АТИБ «Ипотека банк» Андижон вилоят филиалининг буйруғига ҳамда АТИБ «Ипотека банк» Андижон вилоят филиали бошқарувчисининг 2011 йил 13 октябрдаги 10-01/2818-сонли алоқа хатига асосан Андижон вилояти, Андижон шаҳри, Анисий кўчаси уйда жойлашган АТИБ «Ипотека банк» Андижон вилоят филиалига қарашли 2004 йилда ишлаб чиқарилган «Нексия» русумли давлат белгиси 60 470 ААА бўлган автотранспорт воситаси 6 180 394 (олти миллион бир юз саксон минг уч юз тўқсон тўрт) сўм бошланғич баҳода қўйилмоқда.

Аукцион савдоси 2011 йил 21 ноябрь куни соат 15.00 да, ушбу кунда аукцион савдоси бўлиб ўтмади, деб эътироф этилган тақдирда такрорий аукцион савдоси 2011 йил 23, 24, 25 ноябрь кунлари соат 11.00 да Андижон шаҳар, А.Навоий шоҳ кўчаси 30-уй, 215-хонада бўлиб ўтади.

Аукцион савдосида қатнашиш учун талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 15 фоиз миқдоридеги гаров пулини ТИФ «Миллий банк» Андижон шаҳар бўлимининг 20208000904456131001 ҳисоб рақамига МФО: 00074, ИНН: 205987298 тўлашлари шарт. Савдода иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар қабул қилиш эълон чоп этилган кундан бошлаб ҳар куни (дам олиш ва байрам кунлари-дан ташқари) ва аукцион савдоси ўтказилишидан 1 (бир) соат олдин, 10.00 га қадар Андижон шаҳар, А.Навоий кўчаси 30-уй, 215-хонада қабул қилинади.

Савдода қатнашиш учун жисмоний шахслар паспорт нусхаси, юридик шахслар жамият Низоми ва таъсис ҳужжатлари, агар ваколатли шахс қатнашса, белгиланган тартибда берилган ишончнома тақдим қилиши лозим.

Кўшимча маълумот учун манзилимиз:  
Андижон шаҳар, А.Навоий шоҳ кўчаси 30-уй, 215-хона  
Тел: 8(374) 606-88-81, 269-88-81, 700-88-81  
Гувоҳнома №00126

